O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ *

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 3 июль, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 51 (7454)

Da'vat

Hayratlanish uchun bir daqiqa vaqt kifoya, biror hayratomuz narsa yaratish uchun esa, qanchadan-qancha yillar kerak.

Klod GELVETSIY

Ibrat

Andijon shahridagi 2-gimnaziya maktabining 11-sinf bitiruvchilari o'zlari o'qigan bilim dargohini ta'mirlab berish tashabbusi bilan chiqishgan va bu tashabbus viloyatning boshqa maktablariga ham yoyilgan edi. Tashabbuskorlar ayni paytgacha bir necha sinf xonalarini ta'mirdan chiqarishga ulgurishdi.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2002 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-ҳунар билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,15 баравар оширилсин.

2. 2002 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи - ойига 4535 сўм;

ёшга доир пенсиялар - ойига 8970 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд - ойига 4535 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа - ойига 8970 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа - ойига 5435 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар 2002 йил 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ва муассасалар билан биргаликда мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ ҳаражатлар республика Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат сарфини камайтириш ҳисобидан белгиланган тартибда 2002 йил 1 августидан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 26 мартдаги ПФ-3045-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин.

8. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 1 июль.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

"MA'RIFAT" МАСЛАҲАТХОНАСИ 2-бет

ОРОМГОҲ — КИЧИК ЖАМИЯТ 3-бет

АУДИТОРИЯ РАҲБАРИ ВА КУЗАТУВЧИСИ МАСЪУЛИЯТИ 4-бет

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАЪЛИМИДА ҲАМ УЗВИЙЛИК ЛОЗИМ 5-бет

ТУРМУШ СЎҚМОҚЛАРИДА 5-бет

"АНАХИТА"ГА ФАҚАТ ТАБИАТСЕВАРЛАР АЪЗО БЎЛАДИ 6-бет

РОНАЛДОГА АТАЛГАН ФИНАЛ 7-бет

"АЛЁР" ЦИКЛОСКАНВОРДИ 8-бет

2 июль - Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

БУЮК ШОН-ШАРАФИМИЗ ТИМСОЛИ

Бундан роппа-роса ўн йил муқаддам - 1992 йил 2 июлда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги муҳим тарихий Қонун эълон қилинганди. Ушбу Қонунга мувофиқ мустақил давлатимизнинг ўзига хос ва ўзига мос олий рамзларидан бири - Давлат герби тасдиқланди.

Шу кундан эътиборан гербимиз тасвири Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд, Конституциявий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, мамлакатимизнинг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, вазирликлар, ҳокимликлар, қўмиталар, ташкилотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг биноларида ўрнатилди.

Давлат герби тасвири муҳрларда ва давлат идоралари бланкаларида, расмий нашрларда, қоғоз ва танга пулларда, қимматли қоғозлар ва облигацияларда, фуқаролик паспортларида ҳамда қонунда белгиланган бошқа ўринларда акс эттирилади.

Президентимиз Ислом Каримов таърифлаганидек, давлатимиз рамзлари - байроқ, герб, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради, мана шу рамзларни эъзозлаш - ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир.

Мамлакатимизда давлат рамзлари қонун билан муҳофаза қилинади.

Дарҳақиқат, давлатчилигимиз тарихининг қайси бир даврини олиб қарамайлик, давлат рамзлари Ватан тимсоли сифатида ҳамиша азиз ва муқаддас саналган. Уларда халқнинг тарихи, бугуни ва келажаги ўз ифодасини топган. Аслида рамзлар ва тимсоллар ҳамма вақт миллий ғурур, фидойилик ва ватанпарварликни шакллантиришда энг муҳим восита ҳисобланган.

Хусусан, тамға, яъни герб тарихига тўхталадиган бўлсак, мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, давлат герби милоддан аввалги уч мингинчи йилларданоқ башариятга маълум. Ўша замонларда герб шу давлатнинг ўзига бўлган ишончини, ўз мустақиллигини ҳимоя этишга тайёр эканини, бунёдкорлик мақсадларини, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа жиҳатларини шартли расм, белги тарзида ифодалаган.

Археологик қазишмалар юртимизда давлат рамзлари кўп минг йиллик тарихга эга эканини, миллий давлат қурилиши ва маданий ривожланиш тарихи билан чамбарчас боғлиқлигини, жумладан, қадимдан муҳрлар, тангалар ва буюмларга шаҳар, давлат ёки ҳунармандчилик уюшмаларининг герб суратларини туширишнинг кенг тарқалганини кўрсатади.

Шу ўринда айтиш жоизки, соҳибқирон бобокалонимиз Амир Темур тузган марказлашган давлат ўзининг герби - уч ҳалқа шаклидаги тамғаси билан дунёга танилган.

Ватанимиз истиқлолга эришгач, халқимизнинг азалий орзу-истаклари, эзгу интилишлари бевосита Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида қабул қилинган мамлакатимизнинг янги давлат рамзларида, шу жумладан, унинг Давлат гербида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Қонунда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби республика давлат мустақиллигининг рамзидир. Умуман, мустақилликни қўлга киритиб ўз Байроғимиз, Мадҳиямиз ва Гербимизга эга бўлганимиз чин маънода озод ва ҳур эканимиз белгисидир.

Халқимизнинг ватанпарварлик ҳис-туйғулари, унинг озодликка ва бахт-саодатга интилиши ҳар бир фуқаромиз учун тобора муқаддас мазмун касб этаётган янги давлат рамзларида бор бўй-басти билан намоён бўлмоқда.

Айниқса, Давлат гербининг ушбу яққол тасвири бунга аниқ мисол бўла олади: думалоқ кўринишга эга шаклнинг сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган ғўза шохларидан иборат чамбарга ўралган, узоқдаги тоғлар ва дарёлар манзарасида гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида Ўзбекистон озодлигининг рамзи сифатида саккизбурчак юлдуз, унинг ички қисмида эса яримой ва юлдуз, марказида - бахт ва эрксеварлик рамзи - қанотларини ёзган Ҳумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида юртимиз Давлат байроғини ифода этувчи чамбар тасмасига «Ўзбекистон» деб ёзиб қўйилган.

Ўн йил мобайнида аллақачон биз учун суюк ва буюк бўлиб улгурган ана шу ёрқин тасвир жўшқин ҳаётимиз мавжлари аро қалбимизни чексиз ғурурга тўлдирганча ўзининг шукуҳли жозибаси билан онгу шууримизга тобора теранроқ муҳрланиб бораверади, юракларимиздан муқаддас имондек, ҳаётбахш ҳақиқатдек мустаҳкам жой олади. Бу ҳақиқатнинг мазмун-моҳияти шундаки, ўзини ана шу табаррук ва азиз Ватан фуқароси деб билган, ўз мамлакати, халқи билан чексиз фахрланган ҳар бир инсон давлат рамзларини қадрлайди ва ҳурмат қилади.

Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири катта бир дарслик, улуғ тарбия воситасидир.

Ғулом АБДУРАҲИМ,
ЎзА мухбири



ОРЗУЛАРИ ОЙДИН ЁШЛАР

Мамлакатимиз академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида илк битирувчиларга диплом топшириш тантаналари бўлиб ўтди

Мамлакатимизда истеъдодли, билимдон ёшларни тарбиялаш мақсадида бундан 3-4 йил муқаддам юксак ниятлар ила ташкил этилган янги турдаги таълим муассасалари — академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари шу қисқа давр мобайнида минглаб ўқувчи-ёшларга ўзлари қизиққан ва танлаган йўналишлари бўйича чуқур, соҳалаштирилган ва табақалаштирилган билим бериб келмоқда. Ҳозирда республикамизда ана шундай 47 та академик лицей ва 260 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Академик лицейларда ўқувчилар асосан 4 та йўналиш — аниқ фанлар, табиий, ижтимоий-гуманитар ва хорижий филология йўналишлари бўйича таълим-тарбия олмоқдалар. Замонавий шаклдаги касб-ҳунар коллежларида эса касбга ва мутахассисликларга тайёрлаш йўналишларини белгиловчи ҳужжат-таснифлагич асосида саноат, транспорт, алоқа, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, агросаноат мажмуаси, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, соғлиқни сақлаш, миллий ҳунармандчилик, педагогика ва ижтимоий соҳа, маданият ва санъат, компьютер ва ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бошқариш, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича ўқувчи-ёшларга таълим берилмоқда.

Жорий ўқув йили якунида республикамиз бўйича 30 та академик лицейни жами 4352 нафар, 120 та касб-ҳунар коллежини эса 24608 нафар йигит-қиз тамомлаб, катта ҳаётга йўлланма олдилар. Ўтган ҳафтада ушбу академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг илк битирувчиларга тантанали равишда диплом топшириш маросимлари бўлиб ўтди.

Qutlug' ostona

1999 йилда Президентимиз Ислом Каримовнинг ташрифи билан ўз фаолиятини бошлаган Тошкент қурилиш-коммунал касб-ҳунар коллежида янграган тантанали куй садолари тадбир иштирокчилари ва барча битирувчиларни коллежнинг байрамона безатилган ҳовлиси томон чорлади. ОЎМТ вазирлиги, ЎМКҲТ Маркази, Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бошқармаси масъул ходимлари, маҳалла фахрийлари ташриф буюрган мазкур тадбирни очар экан, коллеж директори Жозил Тоҳиров илк битирувчиларни бугунги тантана билан қизғин қутлади ҳамда уларнинг келгуси халқ хўжалигининг турли соҳаларида энг керакли ва малакали мутахассислар сифатида хизмат қилишига ишонч билдирди. Шу куни коллежда тахсил олаётган 1000 нафарга яқин ўқувчидан 280 нафарига кичик мутахассислик дипломлари топширилди. Ушбу ўқувчиларнинг 20 нафари имтиёзли ва аъло даражадаги дипломга муносиб деб топилдилар.

Ана шундай имтиёзли диплом эгаси Абдувоҳид Пўлатовни суҳбатга тортамиз:

— Бундан уч йил муқаддам мактабни битириб, коллежга ўқишга кирган пайтим ҳалиҳануз ёдимда. Ўшанда газ таъминоти бўйича мутахассис бўлишни ният қилгандим. Бу мақсадимга эришишимда коллежда таълим берган устозларим, бу ерда яратилган қулай шароитлар, керакли ўқув-лаборатория асбоб-анжомлари, техник воситалар билан жиҳозланган ўқув хоналарида ўзлаштирган ҳар бир дарс биз учун унутилмас бўлиб қолади. Коллежда ўқув жараёни билан бирга амалиётда олган билим ва тажрибаларимни мен туман газ бошқармасида синаб кўрдим. Энди иш фаолиятимни Собир Раҳимов туман газ бошқармасида бошламоқчиман. Кейинчалик ишни йўлга қўйиб олгач, техника университетида сиртдан ўқиш ниятим ҳам бор.

(Давоми 3-бетда)

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

FARMON

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoniga binoan Saidahmad Boriyevich Rahimov O'zbekiston Respublikasi Hisob palatasining raisi etib tayinlandi.

QABUL

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.Karimov AQSH Kongressi Vakillar palatasi Qurolli kuchlar bo'yicha qo'mitasining Taraqqiyot va harbiy tadqiqotlar bo'yicha ichki qo'mitasi raisi Dunkan Xanter rahbarligidagi delegatsiyani qabul qildi.

O'SISH KUZATILMOQDA

BMT ma'lumotlariga qaraganda, ayni paytda yer yuzi aholisi 6,1 milliarddan ziyod bo'lib, o'sish sur'ati yiliga o'rtacha 77 million kishini tashkil qilmoqda. Mutaxassislar ushbu asrning yarmiga borib dunyoda aholi soni 9,3 milliarddan ham oshib ketishini ta'kidlashmoqda.

CHEKISH TA'QIQLANADI

Dunyo mamlakatlari orasida hududiy va aholi soni jihatidan eng kichik hisoblangan Vatikan davlatida 1 iyuldan boshlab sigareta chekish qat'iyan man etildi. Bu borada maxsus qonun qabul qilingan bo'lib, qonunni buzganlar jiddiy jazoga tortiladilar.

ANJUMAN YAKUNLANDI

Toshkentda bo'lib o'tgan "Markaziy Osiyoda giyohvandlik muammolari: vaziyatni baholash va tegishli chora-tadbirlar" mavzusidagi mintaqaviy anjumanda mintaqa mamlakatlari va xalqaro tashkilotlarning giyohvandlik moddalarga bo'lgan talabni kamaytirish, ularning Markaziy Osiyo davlatlari bo'ylab tarqalishi va tranzitlanishiga qarshi kurashish borasidagi xatti-harakatlarni yanada muvofiqlashtirish imkoniyatlari muhokama qilindi.

QO'LLAB-QUVVATLASH MAQSADIDA

O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligining Fiziatriya va pulmonologiya ilmiy-tekshirish instituti qoshidagi silga qarshi milliy referens-laboratoriyasiga AQSH Kongressi tomonidan ajratilgan qo'shimcha mablag' hisobidan 60 ta binokulyar mikroskop taqdim etildi.

ELEKTRON QOG'OZLAR

Dunyoning mashhur texnologiya firmalaridan biri hisoblanmish Xerox Palo Alto tadqiqot markazida yangi elektron qog'oz ishlab chiqarish loyihasini amalga oshirishga kirishildi. Kelgusida bunday elektron qog'ozlarda bosiladigan davriy nashrlar axborotlarni yorug'lik tezligida o'z o'quvchilariga yetkazib berish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

O'qituvchi yon daftariga

TUSH USTIDA TADQIQOT

Rossiyalik olim V.N.Kasatkin uzoq yillar tush sohasida tadqiqot olib borib, turli toifadagi odamlarning 6000 dan ziyod tushini tibbiy jihatdan o'rganib chiqdi. Olim bu minglab tushlarni qayta-qayta tahlil qilib chiqishi natijasida, tush inson tanasida ro'y beradigan turli kasalliklarni oldindan aytib beruvchi manba, degan xulosaga keldi.

Жойларда умумий ўрта таълим мактабларини, айниқса, чеккa ҳудудларда жойлашган мактабларни юқори малакали педагогик кадрлар билан таъминлаш ҳамон долзарб масалалигича қолмоқда.

Келгусида педагог-кадр бўлиб, давримизнинг муносиб ўғил-қизларига сабоқ бериш истагида ёниб, интилиб яшаётган, айни кунда имтиҳонларга пухта ҳозирлик кўраётган абитуриентлар дилида илинж: талабалик бахтига эришиш.

Ma'rifat

Hay'at majlisida

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ: МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР

Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши одатдагидек ойнинг сўнгги жума куни ўтказилиб, унда кадрлар тайёрлаш масаласи, таълим муассасаларини юқори малакали педагогик кадрлар билан таъминлаш, бунда таълим бошқарув органлари ва олий ўқув юртларининг ҳамкорликдаги фаолиятлари тўғрисидаги масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида "Кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислоҳотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидаги жиддий камчиликлар сирасига киради", дейилган эди. Мазкур дастур қабул қилинганидан буён ўтган вақт мобайнида юқорида санаб ўтилган муаммо ва камчиликлар аста-секинлик билан бўлса-да бартараф этилмоқда. Аммо жойларда умумий ўрта таълим мактабларини, айниқса, чекка ҳудудларда жойлашган мактабларни юқори малакали педагогик кадрлар билан таъминлаш ҳамон долзарб масалалигича қолмоқда.

Ушбу масала долзарблигига кўра, бутун республика учун хос бўлса-да уни ҳудудининг катталиги, чеккада жойлашган мактабларнинг кўплиги, экологик жиҳатдан бирмунча қийинчиликлар мавжудлиги билан ажралиб турадиган минтақа Қорақалпоғистон Республикаси мисолида кўриб чиқилди.

"Қорақалпоғистон Республикаси таълим муассасаларини юқори малакали педагогик кадрлар билан таъминлашда таълим бошқарув органлари ва олий ўқув юртларининг ҳамкорликдаги фаолиятлари тўғрисида"ги маълумотнома асосида Қорақалпоғистон Республикасининг барча ўқув-тарбия муассасаларида 41,6 мингдан зиёд педагогик ходимлар ишлаётганлиги, таълим муассасаларининг педагог кадрлар билан таъминланганлиги мактабгача таълим муассасалари бўйича 98,2 фоизни ташкил этгани ҳолда, умумтаълим мактабларида ҳозирда бир ставка ҳисобидан 4,7 мингдан ортиқ ўқитувчига эҳтиёж мавжудлиги вазирлик ҳайъатида таъкидланди. Чўл ва экологик жиҳатдан шароити ноқулай бўлган ҳудудлардаги таълим муассасаларида ўқитувчилар танқислиги айниқса сезиларли эканлиги, мутахассисликлар кесимида эса чет тили, она тили ва адабиёти, жисмоний тарбия, кимё, меҳнат таълими ўқув фанларидан ўқитувчиларнинг етишмаслиги айниқса, юқорилиги айтиб ўтилди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги таълим муассасаларининг олий маълумотли педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжи асосан Қорақалпоқ Давлат университети ҳамда Нукус Давлат педагогика институти битирувчилари ҳисобидан қопланади. Ҳозирги кунда таълим муассасаларини мутахассислар билан таъминлаш учун педагогик мутахассисликлар бўйича Қорақалпоқ ДУда 17 йўналиш, Нукус ДПИда эса 19 йўналишда педагогик кадрлар тайёрланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, олий ўқув юртлари ва жойлардаги таълим бошқарув органларининг таълим-тарбия муассасаларини педагог кадрлар билан таъминлаш борасидаги ҳамкорлик фаолияти етарли даражада эмас.

Таълим муассасаларини педагог кадрлар билан таъминлаш, ёш мутахассисларни иш жойларида муқим ўрнашиб қолишини ташкил этиш таълим-тарбия муассасалари ва бошқарув органларининг вазифаси бўлишига қарамасдан, улар педагог кадрларга бўлган жорий ва истиқбол эҳтиёжни аниқлаш, ишга юборилган битирувчиларни эҳтиёжга биноан ишга жойлаштириш ва улардан рационал фойдаланишни эътибордан четда қолдирмоқда. Бу йўналишда ҳокимликлар билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаяпти, ўқитувчиларнинг бошқа соҳага ўтиб кетишининг олдини олиш масаласи билан етарли шуғулланилмаяпти ва фақат педагог кадрларга талабнома бериш билан чекланиб қолинмоқда, холос. Айниқса, чекка туманларда ўқувчиларни педагогик касбга йўналтириш, ўқув юртига ўқишга кириши учун тест синовларига тайёрлаш ёки педагогик синфлар ташкил этишга етарли эътибор берилмаяпти. Шунингдек, таълим муассасаларининг педагогик кадрлар билан таъминланганлиги ва уларга бўлган истиқбол эҳтиёжи масаласи туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари Кенгашлари мажлисида кўриб чиқилмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Қорақалпоқ ДУ ва Нукус ДПИ билан эҳтиёжга биноан умумтаълим мактабларига ишга юбориш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилмаган, халқ таълими бўлимларидан олинган талабномаларни ўқув юртларига чиқариш билан чегараланиб қолинган. Қорақалпоқ ДУ ва Нукус ДПИнинг маркетинг хизматининг фаолияти эса битирувчиларни доимий яшаш жойларига ишга юборишдан иборат бўлиб, натижада шаҳарлар, туман марказларидаги мактабларнинг эҳтиёжини қоплашга эришилсада, чекка ҳудудлардан талабаликка келганларнинг озлиги сабабли ўша ҳудуддаги мактабларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжи қондирилмай қолмоқда. Таълим муассасаларини педагог кадрлар билан таъминлаш талабаларнинг ўқишни тугатиш арафасида амалга ошириладиган мавсумий фаолият тусини олмоқда. Ваҳоланки, таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш олий ўқув юртининг қабулини ташкил этиш, бўлажак мутахассисларни ҳозирги кун талаблари асосида мактаб ҳаёти ва ишига тайёрлаш ва ниҳоят уларни эҳтиёж асосида ишга жойлаштиришни ўз ичига олган ишлар мажмуидан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 июнь 198-сонли "2002/2003 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарорида (6-банд) 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасалари бакалавриати ва магистратурасига давлат грантлари асосида қабул қилинган талабалар, олий таълим муассасаси ва потенциал иш берувчи ўртасида ихтиёрий асосда ёш мутахассисларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш тўғрисида шартномалар тузиш амалиётини жорий этиш назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги биргаликда ёш мутахассисни иш билан таъминлашга кўмаклашиш тўғрисидаги намунавий шартномани ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда тасдиқлаш ва барча олий таълим муассасаларига етказиш топширилди.

Бинобарин, тасдиқланган намунавий шартномага биноан олий ўқув юртларини педагогик мутахассисликлар бўйича тамомлаган мутахассисларни иш билан таъминлаш, таълим муассасаларини педагог кадрлар билан тўлдириш ишларини мувофиқлаштирувчи ва доимий фаолият кўрсатувчи Кенгаш тузиш таклифи берилди.

Ҳайъат мажлисида шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" тўғрисидаги қонунларини амалга ошириш, таълимни тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш, маънавий етук ҳамда миллий истиқлол ғоясига содиқ, юксак касб маҳоратига эга бўлган ўқитувчи ва мураббийларнинг янги авлодини тарбиялаш ишида фаол иштирок этиш, таълим жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларни жорий этиш тажрибаларини оммалаштириш, таълим-тарбияни янада яхшилаш, таълим муассасалари моддий негизини мустаҳкамлаш, педагогларни, айниқса, ёш ўқитувчиларни қўшимча ижтимоий ҳимояга кўмаклашиш мақсадида "Ёш педагоглар ассоциацияси"ни ташкил этиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Шундан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлашда таълим бошқарув органлари ва олий ўқув юртларининг ҳамкорликдаги фаолиятларини яхшилаш мақсадида мутасадди раҳбарларга тегишли кўрсатмалар бериб, ҳайъат мажлиси тегишли қарорлар қабул қилди.

Ҳайъат мажлисида унинг аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, барча вилоят халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, вилоят педагогика институтлари ректорлари, республика ташкилотлари раҳбарлари, педагогик газета ва журналларнинг бош муҳаррирлари иштирок этишди. Ҳайъат мажлисига Халқ таълими вазири Р. Ҳ.Жўраев раислик қилди.

Жаҳонгир МУСАЕВ,
Халқ таълими вазирлиги матбуот сектори раҳбари

ГЎЗАЛ ЎРМОН СИРЛАРИ

Ҳурматли газетхон! Яқинда бўлиб ўтган "Йил тарбиячиси" кўрик-танлов фестивалининг республика босқичи ҳақида нашримизнинг ўтган сонларида батафсил маълумот бердик. Ёдингизда бўлса, ушбу босқичда иштирок этган, вилоятда ягона деб топилиб, ўзига яраша номинациялар соҳиблари бўлган танловни барча қатнашчиларнинг иш тажрибаларини эътиборингизга ҳавола этишни ният қилгандик. Шу ниятнинг амалиётига ўтиб, "Йилнинг энг яхши тарбиячиси" номига муносиб топилган Андижон вилоятининг Асака шаҳридаги 10-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Зулфия Матисаеванинг иш фаолиятига назар солсак.

Ушбу ғолибанинг катта гуруҳ тарбиячилари билан олиб борган "Ажойиб боққа саёҳат" машғулоти қизиқарли ва муваффақиятли чиқди. Ҳозир унинг баёнини бериш давомида фикримизни исботлашга ҳаракат қиламиз:

Bolalarni mashg'ulotga tayyorlash jarayoni quyidagicha kechadi.

— Bolajonlar, bizning bog'chamiz eng go'zal bog'chalardan biri. Chunki, uning sizdek aqlli, dono, odobli bolalari bor. To'g'rimi?

— Ha! (Birgalikda)

— Sizlar oldingizdan chiqqan savolli to'siqlardan qiynalmasdan o'ta olasizlarmi?

— Ha!

Hozir, shu gaplaringizni bugungi mashg'ulotimiz orqali sinab ko'ramiz. Bilasizlarmi, bog'chamizdan ancha uzoq bo'lgan joyda bir go'zal o'rmoncha bor. Hozir hammamiz birgalikda shu o'rmonchaga olgan bilimlarimizni mustahkamlash uchun sayohatga boramiz.

Birgalikda mashg'ulot uchun zarur bo'lgan ashyolar bilan bezatilgan davraga kirib kelishadi. Ana shu joydan bolajonlar muammoli vaziyatlarni yechishga kirishadilar.

— Bolalar, mana, manzilimizga yetib ham keldik. Qaranglar, biz o'rmoncha degan joyda mevali daraxtlar juda ko'p ekan. Mana bular qaysi daraxtlarning mevalari?

Bolalar sanashadi:

— Xurmo.

— Olma.

— Anor.

— Behi.

Bog'cha opa:

— Voy-bo'y, kelinglar, to'kilgan mevalarni terib olamiz va ularni artib, mazasini tatib ko'ramiz.

Bolalar tergan mevalarini tishlab ko'rishadi. Bog'cha opa ularning ta'm bilish ko'nikmalarini sinab ko'rish uchun savollar beradi:

— Bolalar, anorning mazasi qanaqa ekan?

— Nordon.

— Olmaniki-chi?

— Shirin.

— Xurmo-chi?

— Shirin.

— Behi-chi?

— Chuchuk.

— Juda to'g'ri. Endi, mana bu manzarali daraxtlarni ko'rayapsizlarmi? Kelinglar, ularning nomlarini aytamiz.

Bolalar daraxt shoxlariga qarab aytishadi:

— Tol.

— Majnuntol.

— Terak.

— Archa.

Bog'cha opa: Ularning barglari qanday rangga kiribdi?

— Sariq.

— To'g'ri, demak, hozir qaysi fasl ekan?

— Kuz.

— Barakalla. Iye, nimaningdir ovozi kelayaptimi? (Qushlar ovozi keladi). Voy-bo'y, ularning ko'pligini qaranglar! Kelinglar, hozir har bir daraxtda nechtadan qush o'tirganini sanaymiz.

Dilorom (sanaydi): 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7. Bu terakda 7 ta qush bor ekan.

Olimjon: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9. Bu archaga 9 ta qush qo'nibdi.

Bog'cha opa: Archada terakdagidan qushlar soni nechta ko'p ekan?

Olimjon: 2 ta. Shu tariqa matematik tushunchalar ham mustahkamlandi. (Hayvonlar ovozi keladi).

Bog'cha opa: Bolalar, ovozni eshitayapsizlarmi? O'rmonda qushlar, daraxtlardan tashqari yovvoyi hayvonlar ham bor ekan. Yovvoyi hayvonlar o'zi qaysilar?

Shirina: Ayiq, tulki.

Zohidjon: Sher, yo'lbars, bo'ri.

Mahliyo: Maymun, qoplon...

Bog'cha opa: Barakalla, biz ular kelmasdan qochib qolaylik. Qaranglar, kuni kecha o'rmonga yomg'ir yog'ibdi. Mana, yomg'ir suvlari yig'ilib, ko'lmakchalar hosil bo'libdi. Ulardan sakrab-sakrab, sanab-sanab o'tamiz.

Hamma: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11...

Bog'cha opa:

— Barakalla, endi bugun ko'rgan, bilganlarimizga tegishli topishmoqlar aytaman. Qani kim tez toparkin?

Zar gilam zar-zar gilam,
Ko'taray desam og'ir gilam.
Sevara: Yer.

Bog'cha opa:

— Yozda kiyinadi, qishda yechinadi.

Durdona: daraxt.

Bog'cha opa:

— Voy, bolajonlar, osmonda bulut ko'rinayapti. Bu nimadan darak beradi?

Ismoil: Yomg'ir yog'ishidan.

Bog'cha opa: Kuz havosi shunaqa, tez-tez o'zgaruvchan bo'ladi. Kelinglar, yomg'ir haqida qo'shiq aytamiz (qo'shiq aytishadi).

Bog'cha opa: Qaranglar, uycha bor ekan. Uycha oldidagi mana bu geometrik shakllarning nomlarini to'g'ri aytsak, sirli eshi-kchasi ochiladi.

Bo'lmasa...

Bolalar birma-bir shakl-lar nomlarini aytishadi.

— Doira, to'rtburchak, uchburchak, beshburchak...

Bog'cha opa: Bolalar, hozir mana bu shakllarni doskaga yopishtirib, olma shaklini yasaymiz. Qani, kim bu mashqni tez va to'g'ri bajararkin?

Durdona bilan Olimjon 2 daqiqa ichida olma shaklini yasashadi.

Bog'cha opa: Men hozir ikkala do'stingizni mana bu mevalar bilan taqdir-layman. (Ularga mevalar-dan beradi). Sizlar bugun o'rmonchaga sayohat qilib juda ko'p narsalarni bilib oldingiz-a. Ular haqida ukajonlaringizga, ota-onalarin-gizga ham gapirib beringlar. Xo'pmi?

— Xo'p bo'ladi.

— Qani endi, bir saf bo'lib mo'jizalar bilan xayrlashamizda, jonajon bog'chamizga ketamiz.

— Xayr, o'rmonjon, xayr go'zal tabiat!

(Bolalar davradan chiqib ketishadi).

Mashg'ulot

Тарбиячи Зулфия Матисаеванинг болаларнинг онатабиатга бўлган меҳрини ошириш, мевалар ва дарахтлар ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш, уларнинг диққатини жамлаб, янги нарсалар ҳақида гапириш, турли хил воситалар орқали математик тасаввурларини кенгайтириш, шеър, топишмоқлар билан ижодкорликларини, фикрлашларини ошириш, мустақил рангларни, мазатаъмни ажратишга ўргатишни мақсад қилиб қўйган машғулоти шундай ўтади. Ҳар бир тарбиячи ушбу машғулотнинг ютуқли жиҳатларини олиб, камчиликларини тўлдириб, ўз фаолиятида қўлласа арзийди.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

Сурхондарё вилояти Денов тумани 16-мактаб ўқитувчиси Ў.Қурбоновдан савол:

— Пенсияга чиқиш масаласида қандай давлат имтиёзларидан фойдаланишим мумкин?

ЖАВОБ: — Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли Қарори билан тасдиқланган 3-сонли рўйхатига асосан, зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимларга (ўқитувчиларга) ёшга доир пенсияга чиқиш учун 5 йилга қисқартирилган имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи берилган. Уй-жой коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш бўйича аҳолига имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги Низомга биноан бу коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш тартиби педагогларга пенсияга чиққач ҳам 10 йилдан педстажи кам бўлмаса сақланиб қолади.

Жиззах вилояти Фориш тумани 33-ўрта мактаб ўқитувчиси Д.Мавлоновдан 1-савол:

— 2001 йил 17 апрелдаги Президент Фармонидаги коммунал хизматлардан имтиёзли фойдаланиш мактаб директорлари, илмий бўлим мудирларига тегишли эмасми?

ЖАВОБ: — Ўзбекистион Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18 апрелдаги 178-сонли Қарори билан уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар бериладиган шахслар тоифаларининг янги рўйхати берилган. Унда имтиёздан фойдаланишда мактаб директорлари, директор ўринбосарлари, психологлар, кутубхоначилар назарда тутилмаган.

2-савол: Ишловчи пенсионерларга 1 йилда 2 марта тўла нафақа берилаётган эди. Ҳозир тўхтатиб қўйилди. Сабаб нимада экан?

ЖАВОБ: — Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирликларининг 2000 йил 5 декабрдаги қўшма хатига асосан, бу вазирликларнинг 1996 йил 30 апрелдаги "Ишловчи пенсионерларга йилда 2 ой давомида тўлиқ пенсия тўлаш тўғрисида"ги қўшма тушунтиришлари Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтмаганлиги туфайли 2001 йилнинг 1 январидан ўз кучини йўқотган деб ҳисобланган.

Сариосиё тумани 58-мактаб директори Р.Ёровадан савол:

— Нафақадаги ўқитувчини шартнома асосида бир ўқув йили муддатида ишга жалб қилинса, ўқитувчи нафақасининг ҳаммасини оладими ёки ярминими(50 фоизиними)?

ЖАВОБ: — Меҳнат вазирлигининг 1996 йил 30 апрелдаги 202/04-1-сон ва Ижтимоий таъминот вазирлигининг 1996 йил 30 апрелдаги 669/05-сон қўшма тушунтиришларига асосан ишловчи пенсионерларга розиликлари билан икки ойлик муддатга меҳнат шартномаси асосида ишга ўтказиш ва шу 2 ой давомида тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқи берилган ҳамда 1996 йилдан 2001 йилнинг 1 январигача бу ҳуқуқдан фойдаланиб келинган эди, бироқ Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтмаганлиги туфайли 2001 йилнинг 1 январидан ўз кучини йўқотган, деб ҳисобланган. Сиз агар нафақада бўлиб ишламоқчи бўлсангиз, нафақанинг 50 фоизини оласиз.

Бўз тумани, Бобур жамоа хўжалигида яшовчи ўқитувчи Т.Иминовдан савол:

— Бўз тумани мактабларида ишлаётган ўқитувчилар ойлик маошидан 33 фоиз даромад солиғи олинмоқда. Шу тўғрими?

ЖАВОБ: — Мактабларда ишлаётган ўқитувчиларнинг даромадлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 мартдаги 72-сонли Қарорига асосан 25 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда солиққа тортилиши белгилаб қўйилган.

Й.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

ҚАЙСИ ИНСТИТУТГА ТАЛАБГОР КЎП, ЁКИ..?

Абитуриентликнинг илк синов палласи — ҳужжат топшириш жараёни қизғин паллага кирди. Мамлакатимиз пойтахтида жойлашган олий таълим муассасаларига ҳужжат топшириш жараёнлари қандай кечмоқда? Қайси соҳа ва мутахассисликларга талаб юқори? Қайси таълим муассасаларига кам ҳужжат топширилган?

Энг юқори кўрсаткични Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети эгаллаётганлиги 2 июлга қадар 530 нафар абитуриент ҳужжат топширгандан ҳам билинади. Кейинги йилларда Тошкент давлат педагогика университетининг нуфузи ва мавқеи тобора ортиб бораётганлиги турли халқаро олимпиада ва спорт мусобақаларида талабаларнинг муваффақиятли иштироки ҳам абитуриентларни бу ерга чорламоқда.

Энг паст кўрсаткич эса Тошкент давлат шарқшунослик ва авиация институтларида қайд этилган. Шарқшунослик институтида 42 нафар, авиация институтида эса 41 нафар.

Шарқшунослик институтида 6 та асосий йўналиш — шарқ филологияси, халқаро алоқалар ва иқтисодиёт, минтақашунослик, ўлкашунослик, сиёсатшунослик, тарих, шарқ фалсафаси йўналишлари бўйича 250 дан зиёд абитуриент ўқишга қабул қилинади. Авиация институтига эса жорий йилда 9 та асосий йўналишлар бўйича 350 нафар абитуриент талабаликка қабул қилиниши режалаштирилган.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,
Ma"rifat мухбири

Abiturient-2002

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институтида 2002-2003 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш учун 17 та таълим йўналиши бўйича 1096 нафар талаба қабул қилиш мўлжалланмоқда. Шундан 426 нафари давлат гранти асосида, 670 нафари тўлов контракт асосида ўқиш имкониятига эга бўлади. Уларнинг 986 нафари кундузги ва 110 нафари сиртқи бўлимда таҳсил оладилар. Янги йўналиш бўйича иккинчи мутахассислик учун махсус сиртқи бўлим очилди. Унга абитуриентлар бошланғич таълим ва тарбиявий иш ҳамда мактабгача таълим йўналишларига ҳужжат топширмоқдалар.

— Абитуриентларга қулайлик яратиш мақсадида институтимиз раҳбарияти ташаббуси ва вилоят халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълим бошқармаси билан келишилган ҳолда бевосита туманларнинг ўзида ҳужжатлар қабул қилишни йўлга қўйдик, — дейди қабул комиссиясининг масъул котиби Худойберган Мавлонов. — Вилоят марказидан анча олисда бўлган Фориш, Бахмал, Зомин, Арнасой, Мирзачўл ва Дўстлик туманларида бу ишларнинг йўлга қўйилганлиги абитуриентлар учун ҳар томонлама қулай ва фойдали бўлмоқда. Ўтган йили имтиҳон жараёнида битта ўринга 6 абитуриент тўғри келган эди. Бу йил ҳам шундай кўрсаткич кузатилмоқда. Абитуриентлар сони қанчалик кўп бўлса, улар орасидан иқтидорли, билимли ёшларни танлаб олиш имкони шунчалик кенгаяди. Қолаверса, адолат мезони бўлган тест синовлари барча абитуриентларни имтиҳондан ўтказади.

Институтга ҳужжат топшираётган абитуриентлар сафи тобора кўпайиб бормоқда. Келгусида педагог-кадр бўлиб, давримизнинг муносиб ўғил-қизларига сабоқ бериш истагида ёниб, интилиб яшаётган, айни кунда имтиҳонларга пухта ҳозирлик кўраётган абитуриентлар дилида илинж: талабалик бахтига эришиш.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Суратда: ЖДПИ биносининг умумий кўриниши.

Yoz — o'tmoqda soz

ОРЗУЛАРИ ОЙДИН ЁШЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

* * *

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи битирувчиларига ҳам илк маротаба диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Лицей директори Матёқуб Баҳоев битирувчиларни байрам билан қутлади ва кейинги йилларда лицей ўқувчилари қўлга киритаётган бир қанча ютуқларни таъкидлади. Жумладан, Шайхонтоҳур академик лицейи ўқувчилари республикамизда илк маротаба АКСЕЛС дастури асосида хорижда таълим олиш имкониятига эга бўлдилар ва бугунги кунга қадар 5 нафар йигит-қиз ушбу дастур асосида АҚШнинг нуфузли мактабларида ўқиб қайтдилар ва ҳозирда 5 нафар ўқувчи хорижга жўнаб кетиш тараддудини кўрмоқда.

Лицей директори ўз сўзини якунлагач, барча битирувчилар Ватанга, халққа садоқат билан ҳалол хизмат қилиш учун қасамёд қабул қилдилар. Сўнг сўз навбати Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори Абдулазиз Комиловга берилди. Вазир ўз нутқида бугунги битирувчиларга билдирилаётган ишонч, уларнинг эртанги Ўзбекистоннинг ички ва ташқи манфаатларини ҳимоя қилувчи юқори малакали, зеҳнли, қобилиятли мутахассислар бўлиб етишишлари учун имконият эканлигини таъкидлади, ҳамда шундай фарзандларни вояга етказган ота-оналарга ҳам чуқур эҳтиром ва миннатдорлик изҳор этди. Шундан сўнг битирувчилар орасида аъло ва намунали хулқ билан таълим олган 11 нафар ўқувчига имтиёзли ва аъло даражадаги диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

* * *

Барча академик лицейлар қатори шу куни Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицейда ҳам илк битирувчи ўқувчиларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Ушбу тадбирга лицей раҳбарияти томонидан алоҳида тараддуд кўрилди, десак асло янглишмаймиз. Дастлабки битирувчиларни кузатиш маросими учун безатилган лицей ҳовлисида шу куни қадим юртимиздан етишиб чиққан улуғ алломалар — Имом ал Бухорий, Абу Наср Форобий, Аҳмад ал Фарғоний ва бошқа бир қатор улуғ зотлар ҳайкаллари очилиши билан бошланди. Ҳовлининг тўғрисида улуғ бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темурнинг ҳайкали кўрк тўқиб турарди.

Мазкур таълим муассасасини тамомлаган 200 нафар ўқувчидан 23 нафари имтиёзли ва аъло даражали дипломлар олиш имкониятига эга бўлдилар.

Имтиёзли диплом соҳиби Аъло Абдуллаев шундай дейди:

— Гуруҳимизда йигирма нафар ўқувчи орасида менга ишонч билдириб, имтиёзли дипломга лойиқ деб топишгани учун устозларим беҳад қувонч ва юксак масъулият юклади. Олдиндаги имтиҳонсиновларда менга таълим берган ўқитувчиларимнинг, лицейимизнинг ва ота-онамнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан ва институт толиби бўлиб, келажакда халқимизга ўз билимим ва ғайратим билан садоқатли хизмат қилишга ваъда бераман.

* * *

Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Собир Раҳимов академик лицейининг илк битирувчилари ҳам бугун янги ҳаёт сари учирма қилинаяпти. Уч йил давомида ўз фарзандидек суюб-ардоқлаб, кези келганда эса, "ўқи", "излан" дея дакки ҳам берган устозларнинг айни дамда ширин айриликдан кўзларида нам...

Барча ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналар лицей ҳовлисига йиғилди. Тантанали тадбир муносабати билан сафланишга барча одатдагидек тайёр. Юракларда шодлик, қувонч, ўз ўрнида ҳаяжонли ва аламли туғён гупрди... Нафақат ёшлар, балки устоз-мураббийлару байрамга ташриф буюришган ота-оналарнинг қўллари кўксида Ўзбекистон Давлат Мадҳияси юракларни ларзага солиб янграй бошлади...

Лицей директори М.Толипов илк битирувчиларга диплом топшириш маросимини очиқ деб эълон қилди. Қалбларига оламолам қувонч тўлган битирувчи йигит-қизларга Тошкент шаҳар, С.Раҳимов туман ҳокимликлари, Тошкент Давлат шарқшунослик институти, ОЎМТ вазирлиги, ЎМКҲТ Маркази вакиллари ўзларининг дил сўзларини айтдилар.

Ёшлар ҳам устозларига миннатдорчиликларини шеъриймусиқий композиция тарзида изҳор қилдилар. Тадбирга таклиф этилган санъаткорларнинг куй-қўшиқлари эса байрамга ўзгача шукуҳ бағишлади.

* * *

Тошкент электротехника алоқа институти қошидаги Мирзо Улуғбек академик лицейида ҳам ушбу кунга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Соат роппа-роса 8.00 да лицейнинг тантанали равишда диплом топшириш учун алоҳида ҳозирланган майдончасига мусиқа садоси остида илк битирувчилар кириб келишди.

Барча учун ҳаяжонли дақиқалар... Ватанимиз Мадҳияси янграб бўлгач, лицей директори Роза Бўронова байрам тадбири қатнашчиларини таништирди. Сўнг ўз шогирдларига оқ йўл тилади. ОЎМТВнинг ЎМКҲТ Маркази бош мутахассиси Мавлуда Нишонова, ТЭАИ биринчи проректори Неъматилла Мўминов, она тили ва адабиёти ўқитувчиси Маъсуда Қодирхўжаева ҳамда ота-оналар номидан Насиба Назировалар битирувчиларни қутлар экан, бугун мамлакатимизда ёшларнинг ўз хохиш-иродалари бўйича истаган йўналишларида замонавий технологиялар асосида билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилаётганлигини эътироф этишди.



Академик лицейнинг бу йилги илк 79 нафар битирувчилари номидан Ҳумоюн Жўраев, Назокат Ҳасанова, Мурод Тошпўлатов, Нигора Юсупова, Дилмурод Раҳматуллаевлар устозларига, давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимизга чексиз миннатдорчиликларини изҳор этишди.

* * *

Бундан икки кун илгари Тошкент Давлат педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи битирувчилари ушбу институтни бу йил тамомлаган ва шифокорлик дипломларини тантанали равишда олган бакалавр акалари ва опаларига қизиқиб қарашган бўлса, бугун худди шу ерда улар академик лицейни тугатганликлари тўғрисида дипломлар топшириш тантаналарида иштирокчи бўлиб туришибди.

Байрам тантаналарини ТДПТИ ўқув ишлари бўйича проректори, профессор Алишер Искандаров очиб берди ва битирувчиларни табриклар экан, улар олдида биология ва кимё йўналишларидаги барча олийгоҳларнинг эшиклари очиқ эканлиги, илм йўлидаги изланишларини ана шу даргоҳларда давом эттириш шарафига ҳар бир битирувчи муяссар бўлиш бахтини тилади.

Мазкур академик лицейни имтиёзли тамомлаган 12 нафар битирувчига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоблари, академик-профессорлар диплом топширишди.

* * *

Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган диплом топшириш тантаналарида ҳам унутилмас дамлар, ҳаяжонли лаҳзалар, қувончли онлар ҳукм сурди. Мазкур касб-ҳунар коллежини тамомлаётган 243 нафар талабанинг 17 нафарига имтиёзли дипломни ЎМКҲТ Маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари Ҳайриддин Маъсудов, Тошкент Давлат техника университети проректори Ҳикматилла Лутфуллаев, "Тошкент трактор заводи" Давлат ҳиссадорлик жамияти кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Юлия Клочкова, коллеж директори Бахтиёр Мавлоновлар тантанали суръатда топширдилар.

ТТЗ кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Юлия Клочкованинг таъкидлашича, корхона мазкур коллеж раҳбарияти билан кўп йиллардан буён ҳамкорлик алоқаларини боғлаб келмоқда. Трактор заводида айни кунда коллежнинг металларга ишлов бериш, пайвандлаш, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, ЭҲМ ва компьютер тармоқларини ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича уста йўналишларида таҳсил олаётган талабалар ишлаб чиқариш амалиётларини муваффақиятли равишда ўтамоқдалар. Бугунги битирувчиларнинг аксарият қисмига меҳнат фаолиятларини бошлаши учун мазкур корхонанинг эшиклари очиқлигини ҳам завод вакили алоҳида айтиб ўтди.

Коллеж она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Мавлуда Нодирова, ота-оналар номидан Наталья Суднева, битирувчи Лазиза Эргашевалар дил изҳорлари байрам қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

* * *

Мазкур маросим пойтахтимиздаги Сирғали политехника касб-ҳунар коллежида ҳам ўзига хос тарзда нишонланди. Мазкур ўқув даргоҳи бундан 3 йил олдин ташкил этилган бўлиб, унда таҳсил олган 210 нафар битирувчи тўртта мутахассислик — дурадгор-паркетчи, ҳисобчи, тикувчи ва автосозловчи йўналишлари бўйича касб сирларини мукаммал эгаллашди.

— Бугунги маросим, — деди тантанали маросимни очар экан коллеж директори Хотам Азимов, — нафақат бизнинг, балки юртимизнинг барча фуқаролари учун қувончли. Чунки сиз битирувчилар ўз эгаллаган илм ва ҳунарларингиз орқали Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, унинг келажагини буюк қилишга хизмат қилишингизга ишончим комил.

Дарҳақиқат, ёшлар нигоҳида порлаган ўзига ишонч ҳиссини, шижоатни кўриб ўқитувчи фиккрига, унинг қувончига шерик бўлишга тутинасан. Зеро, битирувчи ёшларнинг орзу-ўйлари, мақсадлари ҳам бирки, у ҳам бўлса, қайси касб эгаси бўлишдан қатъи назар, юрт равнақи ва халқ манфаатига хизмат қилиш.

* * *

Тошкент туризм касб-ҳунар коллежининг бу йилги 107 нафар илк битирувчиларига ҳам диплом топшириш маросими катта тантана билан ўтди. Битирувчиларни ОЎМТ вазирлиги, ЎМКҲТ Маркази, Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бош-қармаси, "Ҳуснобод" маҳалласи, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети туризм факультети, Ўзбектуризм Миллий компанияси вакиллари қизғин табриклашди. Коллеж раҳбари Аҳмаджон Холматов, ота-оналар номидан Е.Акобянц ва устозлар ҳам шогирдларини қутлаб, оқ йўл тиладилар.

Коллежни намунали хулқ, аъло баҳолар билан тугатган М.Ёқубова, С.Нодирова, Ж.Абзалов, Ж.Юнусов, М.Носирова, Л.Абдуллаева ва У.Ишбиева каби талабаларга имтиёзли дипломлар топширилди.

— Биз бу ерда олган билимимизни амалда тадбиқ этиб, нуфузли меҳмонхоналарда ишлаб, устозларимиз ишончини оқлаймиз,— дейишди улар. — Бизнинг ишга жойлашишимизда ҳам мавжуд муаммолар ҳал қилинган. Пойтахтдаги "Интерконтинентал", "Шератон" каби нуфузли меҳмонхоналарда амалиёт ўтаганимиз учун мижозлар билан муомала қилиш, дастурхон безатиш кабиларни пухта ўрганиб олдик. Келгусида иш фаолиятимизни ана шу даргоҳларда давом эттириш ниятидамиз.

Тадбирда Аброр Ҳидоятов номидаги театр актёрлари Доно Бобохонова, Жумадилла Раметов, Шоҳида Узоқоваларнинг иштирок этиши, "Ниҳол" дастасининг куй ва қўшиқлари алоҳида олқишларга сазовор бўлди.

* * *

Тошкент Давлат техника Университети қошидаги Чилонзор академик лицейи ҳам катта тантананинг шоҳидига айланди. Бундан уч йил муқаддам академик лицей мақомини олган мазкур илм маскани ўзининг илк қалдирғочларини катта ҳаётга кузатиб қолди. Кечада йиғилганларнинг қалбини оппоқ орзулар билан лиммо-лим тўлдирган битирувчиларнинг-у, кечагина ўз фарзандидек ардоқлаб юрган севимли шогирдларидан ажралишни ўйлаб, маҳзун ҳаёлларга чўмган устоз-мураббийларнинг ёхуд "мана фарзандим ҳам улғайиб қолибди" деб севинч ила хўрсинаётган ота-оналарнинг, қўяверингки, барча-барчанинг ҳаяжони чексиз.

Уларнинг дил изҳорларига қулоқ тутинг.

Муқаддас ҚАЛАНДАРОВА,
академик лицей битирувчиси:

— Мана лицейнинг илк қалдирғочлари сифатида қадрдон гўшамиз билан хайрлашаяпмиз. Бу шарафли номга сазовор бўлиш, унинг масъулияти бизни олис орзулар чўққиси сари етаклаши, шубҳасиз. Илм даргоҳига бўлган муҳаббат, илм олишдаги иштиёқимизни янада оширишига аминман.

Бахром КАРИМОВ, академик лицей битирувчиси:

—Тўғрисини айтсам, айни дамда катта ҳаяжондаман. Сабаби, лицейни муваффақиятли якунлаб, унинг имтиёзли дипломига сазовор бўлиш, катта ҳаёт бўсағасида турган биз ёшлар учун улкан бахт.

Иншооллоҳ, ўзим хоҳлаган олий ўқув юртига кириб, етук кадр сифатида давлатимиз равнақига, тараққиётига имкон борича ҳисса қўшишга, шунингдек, юртбошимизнинг, устозу мураббийларимизнинг ва ота-оналаримизнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Умида ҒАНИЕВА, академик лицей ўқитувчиси:

— Бу йил илм даргоҳини 62 нафар ўғил-қиз битирмоқда. Уларга қўлимиздан келганича, замон талаблари асосида мукаммал билим беришга ҳаракат қилдик. Уч йил давомида улар ҳам ўз йўналишлари бўйича чуқур билимга эга бўлишди, деб бемалол айта оламан. Энг асосийси, ҳали олдинда. Мана, республика фан олимпиадаларида, спорт мусобақаларида, турли кўрик-танловларда ўқувчиларимиз лицей юзини ёруғ қилиб келишган бўлса, бундан кейин ҳам улар ўзларига билдирилган юксак ишончларни ёруғ юз билан оқлайдилар.

Мен бу битирувчи қалдирғочларнинг барчасига "оқ йўл" тилайман.

Раҳима АҲМЕДОВА, нафақахўр:

— Ҳар гал лицейга келганимда, даргоҳ пештоқига катта ҳарфлар билан битилган "Ўзбекистон келажаги буюк давлат!" ишорига кўзим тушади. Мана бу йилги битирувчи қалдирғочларга боқиб, Ўзбекистоннинг буюк келажагини кўриб турибман. Уларнинг ичида фарзандимнинг ҳам борлигидан ғоятда бахтиёрман.

Шу ўринда баъзан ота, баъзан она бўлиб, хормай-толмай меҳнат қилган ўқитувчи-мураббийларга барча ота-оналар номидан миннатдорчилик билдирмоқчиман. Чунки фарзандларимиз ўтган уч йил давомида нафақат замон талаблари даражасида мукаммал билим эгалладилар, қолаверса, одоб-ахлоқ борасида ҳам бой маънавий қалб эгалари бўлиб етишишди.

* * *

Худди шундай битирувчиларни катта ҳаётга кузатиш маросими Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежида ҳам бўлиб ўтди. Тантанани кириш сўзи билан коллеж директори Улуғбек Иноятов очар экан, ёшларга кейинги ҳаёт йўлларининг ойдин бўлишини тилади.

Мазкур коллежда 5 та ихтисослик бўйича 320 нафар ўқувчи замонавий касб турларидан ҳисобланган молиячи ва банк мутахассиси, солиқ ва солиққа тортиш, ҳуқуқшунослик, бухгалтерия ҳисоби каби йўналишларда таҳсил олган бўлиб, улар шу куни ўқув даргоҳи остонасидан бевосита келгуси иш жойларига йўлланма олишди.

— Коллежимизда 1249 нафар ўқувчи таҳсил олаётган бўлиб, уларнинг илм ва касб-ҳунар чўққиларини забт этишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд, — дейди биз билан суҳбатда коллежнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Б.Раҳматов. — Айниқса, ўқув даргоҳимизда битирувчиларимизда касбий кўникмаларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Дарҳақиқат, таълим маскани бу борада кўплаб ташкилотлар билан шартнома имзолаганки, ўқувчи талабалик давридаёқ ўзининг иш ўрнини белгилайди ва касбий амалиётини ўташ жараёнида билимини ошириб боради. Эътиборлиси, битирувчининг диплом ишлари ва ҳимоялари ҳам буюртмачи ташкилот раҳбарлари иштирокида ўтказилади.

Устозларнинг эзгу тилакларига йўғрилган оқ фотиҳасини олган битирувчиларнинг одимлари дадил бўлади. Зеро, у ўқувчига руҳий мадад беради. Бугун ушбу туйғуни туйган битирувчилар ўз ойдин орзуларини шундай баён этишади.

Сайёра ҚУРБОНБОЕВА:

— Бугун масъулиятли дамлар остонасида турибмиз. Орзуларим бисёр. Бироқ ўқитувчиларимнинг берган ўгитлари менга ҳамиша йўлдош. Албатта, коллежни имтиёзли диплом билан якунлашимда ҳам уларнинг хизматлари катта. Талабалик давримданоқ республика хўжалик судида амалиёт ўтаганлигим эса билимимга билим қўшди. Эндиги мақсадим, республика хўжалик судида ишлаш баробарида Тошкент Давлат юридик институтида таҳсил олмоқчиман. Ана шундай ойдин йўлни кўрсатган устозларимга ўз миннатдорлигимни билдираман.

Умид БАДАЛОВ:

— Коллежда ўқиш давомида 47 та ўқув юрти талабалари иштирок этган "Ёш бухгалтер" кўрик-танловининг шаҳар босқичида биринчи ўринни эгалладим. Бунда, албатта, ўқитувчиларим меҳнатини юқори баҳолайман. Галдаги ниятим, университетда ўқишни давом эттириш ва келгусида юртимиз тараққиётига ўзимнинг ҳам муносиб ҳиссамни қўшсам, дейман.

Байрам хабарларини "Маърифат" мухбирлари Нурлан УСМОНОВ, Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ, Баҳодир ЖОВЛИЕВ, Маҳмуда ВАЛИЕВА, Фаррух БЎТАЕВ ҳамда Нозима ИНОЯТОВА тайёрладилар.

Суратларда: тадбирдан кўринишлар. Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Yoz — o'tmoqda soz

ОРОМГОҲ — КИЧИК ЖАМИЯТ

Киши хизмат вазифасига мос тушса, "Ўз одамини топиб қўйибди" деган иборани ишлатишади. Хуштабиат Сойлиқ қишлоғида жойлашган "Семурғ" болаларни соғломлаштириш оромгоҳининг маънавият, маърифат ишлари ташкилотчиси Муаттар Эшмуҳамедованинг ишлари, режалари, қизиқишлари билан танишар эканман, хаёлимдан ана шу ибора ўтди.

— Сиз асли пойтахтдаги Акмал Икромов туманидаги 139-умумтаълим мактабида маънавият-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари эксансиз. Кунора бирорта тадбир тайёрлайсиз. Шўх, жони ичига сиғмаган болаларни бир жойга тўплаб, интизомга солиб, бирор кечами, анжуманми ўтказиш осон иш эмас. Демоқчиманки, йил бўйи ташкилотчилик ишларидан толиқасиз. Яна мактаб тугар-тугамас оромгоҳга йўл оларкансиз.

— Эҳ, бу кичкинтой донишмандлар билан ишлаш қанақа зўрлигини тасаввур қила оласизми? Уларнинг дунёлари шу қадар покиза, хаёллари учқур. Сизниям осмонларга олиб чиқиб кетишади.

Ишонасизми, "Семурғ"га келган куним-дан оёқ-қўлимга бошқача бир қувват келганга ўхшайди. Бўш дақиқамнинг ўзи йўқ.

Миллий қадриятлар куни, ичакузди ўйинлар мусобақаси, Нептун байрамига тайёргарлик, анъанавий, "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон" форумини ўтказиш...

—Оромгоҳда футбол, волейбол, теннис, рассомчилик, мусиқа, хатто, ёғоч ўймакорлиги тўгарагиям бор эканлигини кўриб, мен "Семурғ"ни кичик жамият, деб атагим келди.

— Сиз ҳақсиз. Агар болаларнинг маънавий ва жисмоний шароитлари яхши бўлса, улар гўзал жамият барпо этишлари мумкин. Оромгоҳимизни кўраяпсиз, ниҳоятда сердарахт, Аждаркўлда чўмилиш — роҳат. Кичкинтойларга олти маҳал овқат берилади. Улар дарахтларни, гулларни парвариш қилишади. Уларнинг гуллардан ясашган турли шаклларини кўрсангиз, худди япон, хитой, француз расталаридаги гулбезовчилар, дейсиз...

Болалар билан ишлаш қанчалик қувончли бўлмасин, силлиқ кечмайди. Бизда ҳам ўзига хос муаммолар бор: масалан, қайсидир ота-она 15 ёшга кирган қизига, бугун туғилган куни, деб шампан-виносини кўтариб келади. Мумкин эмас, болалар тарбиясига ёмон таъсир қилади, десангиз, балога қоласиз. Эҳтимол, ичади, чекади, гиёҳванд деб нолиётган баъзи ёшларимизнинг ҳаётлари ҳам мана шунақа орзу-ҳаваслардан бошлангандир.

... Биз Муаттар Эшмуҳамедова билан *"Семурғ" оромгоҳи ҳудудини айландик. Кўпроқ болалар билан суҳбатлашдик. Ва мен бу кузатишлар, суҳбатлардан бир нарсага такрор-такрор амин бўлдимки, болаларга эътибор, жамиятга ўн баравар кўпайиб қайтади. Ва аксинча, уларга меҳрсизлик, ҳафсаласизлик ҳам бежавоб қолмайди. Шу мезондан туриб қарасак, кичкинтойларни ўзимники деб қадрлайдиган Муаттар Эшмуҳамедова каби мураббия, муаллималар дунёси ўрганиш ва айтишга лойиқ.*

Қутлибека РАҲИМБОЕВА,
журналист

Yoz — o'tmoqda soz

БИРИ ОЙГЎЛ, БИРИ ГЎЛҲАЁ

Бўстонлиқ тумани ички ишлар бўлимига келганимизда қуёш баланд тоғлар ортига беркиниб олганча нурларини дарахт сояси мисол нимшаб тарзда зўрга таратиб турарди. Ҳадемай қоронғу тушишини ҳисобга олиб, болалар оромгоҳлари билан танишишни эртага қолдирдигу тадбир тадориги бўйича туман ички ишлар ходимлари томонидан амалга оширилган ишларнинг қоғозлардаги аксини кўрмоқ ниятида ҳужжатларни кўздан кечирдик.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг "Болалар ва ўсмирларнинг ёзги дам олишларини ташкиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган "Ғамхўрлик — 2002" тадбирини ўтказиш тўғрисида"ги Дастурига мувофиқ Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси Бўстонлиқ тумани ички ишлар бўлими томонидан тузилган тадбирлар режасининг ҳар бир бандининг ижроси юзасидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори, милиция капитани Ойгул Жарқиновани саволга тутдик.

Очиғини айтганда ўзига тегишли бандлар — ички ишлар идоралари ходимлари томонидан бажарилиши лозим бўлган ишларнинг барчаси аъло даражада ижро этилганди. Фақат ҳамкорликда бажарилиши лозим бўлган ишлар — ҳокимият, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш идоралари ва ёшларнинг "Камолот" ижтимоий ҳаракати вакиллари билан биргаликда амалга ошириладиганлари бироз оқсаган. Сабабини сўрасак, мен уларни ишламаяпти десам, эртага узимга гап тегади. Гўёки мен уларнинг айбини очгандай бўламан. Қолаверса, барибир бу ишларни ўзимиз бажаришимизга тўғри келади, дейди у.

— Нега ахир улар Сизга ёрдам беришлари керак-ку?

— Инсофи бори ёрдамлашади. Инсофи йўғига ялингим келмайди, уларга айтгунча узим бажариб ташлайман, — дейди тағин у кулимсираб.

Унинг бу гапи бизга бироз эриш туюлди. Бироқ эртасига болалар дам олиш оромгоҳларини айланганимизда, унинг гапи ҳақлигига ишонч ҳосил қилдик. Сабаби, биз ташриф буюрган оромгоҳлар раҳбарларининг барчаси Ойгулни қирқ йиллик қадрдонлардек кутиб олишди. Оромгоҳга киришимиз билан Ойгул опа, Ойгул синглим, Ойгулхон дея унга дардларини тўкиб солишди, маслаҳатлари билан ўртоқлашишди.

"Ойгулхон ҳокимиятга чиқсангиз. Бизнинг мана бу масаламизни айтиш эсингиздан чиқмасин", "Ойгул опа раҳбарларингизга айтиб бизга мана бу масалада ёрдамлашсангиз...". Наҳотки шу жуссаси кичиккина митти қиз уларнинг бундай "бегона" муаммоларини ҳам ҳал қилишга қодир.

Очиғи, хизматим давомида кўплаб милиционер аёллар билан ҳамсуҳбат бўлишга, ҳатто улар билан бирга хизмат қилишга тўғри келди. Лекин Ойгул ва унинг ҳамкасби шу туман ички ишлар бўлимида хизмат қилаётган Гулҳаёдек қизларни сира учратмагандим. Тўғри, уларнинг барчаси бир дунё. Қолаверса, буюк мутафаккирлардан бири айтганидек, дунёда битта аёл қолса ҳам унга атаб, роман ёзиш мумкиндир. Бироқ, кечаю кундуз хизмат билан банд бўладиган, эркак ходимлар билан ёнма-ён юриб, тенгма-тенг туриб хизматни улардан ҳам аъло даражада уддалаб қўйган, ҳатто уларнинг чала-ярим ишларини, қоғозу қалам билан боғлиқ барча юмушларини ҳам ўзлари бажариб келаётган бу аёлларга биз таҳсин айтдик.

Негаки, айримлар назарида "бекорчи" милиционерларнинг 40 дан зиёд папкага жойланган ишларининг барчаси алоҳида-алоҳида йиғма жилдларга жамланиб, тартиб билан жавонга териб қўйилган. Қайси мавзудан гап очсангиз, қай бир ишнинг бажарилишидан сўз бошласангиз, шу қизлар сизга уларни бирма-бир кўрсатиши аниқ. Масалан, биз Гулҳаёдан мана яқинда "Антитеррор" тадбирини ўтказиб, сизлар ушбу тадбирни ўтказишдан олдин қандай чора-тадбирлар кўрилди, деб сўрадик.

— Биз туман ҳокимиятига сўровнома жўнатиб, ушбу тадбиримиз тўғрисида тумандаги корхона-ташкилот ва муассасалар раҳбарларини огоҳлантиришни ва шу билан бирга уларнинг барчаси бизга ёрдам беришлари юзасидан талабнома юборишини сўрадик.

Сўнгра суд, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар бу ҳақда огоҳлантирилди. Чунки бу тадбир тўсатдан бошланадиган бўлса, турли миш-мишлар пайдо бўлиши мумкин.

Хуллас, барчамизга маълумки, Бўстонлиқ жуда сўлим гўша. Унинг табиатига, гўзаллигига сўз ожиз. Шоирлар қалами қалтираганидан битажак шеърлари ярмида қолиб кетган, унинг бағрида бўлган ёзувчилар бировга эмас, ўзлари тасаввурига сингдиролмай лол-ҳайрон қолишган, деб эшитган жойимиз бор. Шу боис бўлса керак, бу ўлкага ошиқлар кўп. Ошуфта қалблар унинг сойидан сув ичмоққа зор.

Бироқ, яхшилар қатори ёмонлар ҳам бу сеҳрли диёрнинг сержило тоғлари, сершовқин даралари, мевага тўла боғлари дардида куюб ётишибди. Имкон бўлди дегунча, ифлос қадамини босишга шай. Шундай экан, Ўзбекистоннинг бўстон ўлкаси Бўстонлиқни шумқадамлардан асраш керак.

Албатта, бунда Ойгул ва Гулҳаё сингари милиционер аёлларнинг ҳам ўзига хос улуши бор.

Ш.РЎЗИЕВ,
журналист

Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги илиқ муносабатлар, юксак маънавий назорат ўрнатилишининг асосий сабабларидан бири миллий истиқлол ғоясини таълим мазмунига жорий этганимиз туфайлидир.

Мактаб ҳисобидан 5 минг туп терак кўчати экилган. Бу кўчатлар ҳадемай ҳар бири 10-15 минг сўм турадиган дарахтларга айланади.

Ma'rifat

АУДИТОРИЯ РАҲБАРИ ВА КУЗАТУВЧИСИ МАСЪУЛИЯТИ

Тест синовларини ўтказишга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда уни ташкил этиш ва жойларда адолатли ўтказиш масъулияти, синовнинг мавжуд қоидаларига қатъий риоя этиш кераклиги Давлат Тест Маркази (ДТМ) вакиллари, қабул комиссиялари раислари ва ҳокимликлар, улар томонидан тайинланадиган аудитория раҳбарлари зиммасига юкланади.

Дарҳақиқат, ДТМ томонидан тест синовлари куни абитуриентларга юбориладиган жами материаллар тўплами аудитория раҳбари ва кузатувчиси томонидан очилади ва абитуриентларга тарқатилади. Фақат уларгина абитуриентлар билан тест синови жараёни бошлангандан, то тугагунча бирга бўлишади. Аудитория раҳбари ва кузатувчилари томонидан изчил, тезкорлик билан, сифатли амалга ошириладиган ишлар нималардан иборат?

Аудитория раҳбари ва кузатувчиси ўзларига бириктирилган ўқув юртига эрталаб соат 7.00 дан кечикмасдан фуқаролик паспортини олган ҳолда етиб келади ва ДТМнинг махсус гувоҳномасини олади.

Аудитория кузатувчиси тест ўтказиладиган бино ва хоналарга қуръа ташлаш йўли билан холисона тартибда ажратилади. Шундан сўнг улар ДТМ вакилидан абитуриентлар рўйхатини (ижодий имтиҳон ўтказилган гуруҳлар учун рўйхат икки нусхада берилади) ва титул варақаларини аудиторияга олиб боради.

Кузатувчилар аудиторияни соат 7.30 га қадар тайёр ҳолга келтиришади: Столлардаги ўринлар рақамланганми? Ортиқча буюмлар йўқми?

Кузатувчи абитуриентларга ўзини таништиради ҳамда уларни тартиб рақами бўйича ДТМ рухсатномаси, титул варақаси ва фуқаролик паспортини эътибор билан текшириб, аудиторияга киритади. Шундан кейин кузатувчи абитуриентлар сонини рўйхат бўйича солиштириб, келган ва келмаганларни аниқлайди.

Эрталаб соат 7.00 дан бошлаб аудитория раҳбари ДТМнинг раҳбар вакилидан аудитория учун белгиланган тест материалларини қабул қилиб олади. Кейин аудитория раҳбари белгиланган аудиторияга (соат 7.30 дан 8.00 гача) ўз вақтида етиб келади. Аудиторияга кириб, абитуриентларнинг тест синовларига тайёргарлигини раҳбар сифатида яна бир бор кузатиб, ўзи ва кузатувчининг исм, фамилияларини доскага ёзиб қўяди.

Тест синовларини бошлаш учун аудитория раҳбари ва кузатувчиси абитуриентлар орасидан исталган икки нафарини чақиради ҳамда уларнинг гувоҳлигида ДТМдан жўнатилган муҳрланган махсус қутини соат 8.30 дан кечикмай очишади.

Бу қутида рўйхатдаги абитуриентлар сонига тенг бўлган миқдордаги жавоблар варақаси ичига солинган саволлар китоби, икки далолатнома, яъни қути очилганлиги тўғрисидаги ҳамда саволлар китобини қутига қайта жойлаб, уни ёпишга, шунингдек, жавоб варақалари пакетини ёпиш вақтида тўлдириш учун мўлжалланган далолатномалар бўлади. Бундан ташқари, қутида варақаларни жойлаштириш учун пакет ҳамда тест материалларини муҳрлаш учун махсус шаклдаги учта — жавоб ва титул варақалари пакети ҳамда саволлар китоби қутисига тегишли эмблема бўлади. Шунингдек, аудитория раҳбари ва кузатувчиси учун мўлжалланган варақа ҳам қутига алоҳида жойланган. Тест синовига оид ишлар кетма-кет бажарилиб, тегишли материаллар тўлиқ санаб чиқилади ва махсус шакл(3-шакл)-даги далолатноманинг белгиланган жойи тўлдирилади ва юқоридаги абитуриентлар ҳам гувоҳ сифатида далолатномага имзо қўйишади. Шу пайтда аудитория раҳбари ва кузатувчиси саволлар китоби ва жавоблар варақасини абитуриентларнинг ўзлари танлаб олишлари учун шароит яратиб, бу масъулиятли ва ҳаяжонли ишни назорат қилишлари зарур.

Abituriyent—2002

Шундан сўнг аудитория раҳбари ва кузатувчиси семинарларда тўплаган билим, малака ва тажрибаларидан келиб чиқиб, абитуриентларга тест жараёнида бажарадиган ишлари мазмунини қисқача тушунтиради. Жумладан, абитуриентга саволлар китоби ва жавоблар варақаси варианти рақамининг ўзаро мослиги ҳамда уларда типографик хатоликларнинг йўқлиги, 108 та саволнинг учта фандан 36 тадан мавжудлигини текшириб кўриш тушунтирилади. Агар абитуриент материалларида айрим хатоликлар мавжуд бўлса, аудитория раҳбари зудликда ДТМ вакили билан боғланиб, уни бартараф этиши ва абитуриент талабини тўлиқ қондириши шарт. Чунки абитуриентга тўлиқ шарт-шароит яратиб бериш ва тест материаллари билан тўлиқ таъминлаш аудитория раҳбари зиммасидадир.

Хатоликлар ёки англашилмовчиликлар бартараф этилиб, уларга аниқликлар киритилгандан сўнг, абитуриентга жавоблар варақасининг "Абитуриентлар диққатига" деб номланган қисмини эътибор билан ўқиб чиқиш тавсия этилади. Бундан ташқари, жавоблар варақасини букмаслик, маркер чизиғига ёзмаслик, ручка билан тегмаслик уқтирилади.

Аудитория раҳбари ва кузатувчиси жавоблар варақаси рақамини титул варақаси ва ДТМ рухсатномасидаги тегишли жойга тўғри кўчириб ёзиш кераклигини яна бир бор абитуриентга эслатиб қўяди. Шундан сўнг тест саволларини ечиш жараёни бошланади. Мазкур жараён мобайнида абитуриентларнинг ўзаро гаплашиши мумкин эмас. Тест синовларидан ўтиш давомида абитуриентларнинг хонадан чиқиши, эшик, дераза ёки алоқа воситалари орқали бошқа шахслар билан мулоқотда бўлишларига йўл қўйилмайди. Синовнинг бошланганлиги ва тугаш вақти доскага ёзиб қўйилади.

Агарда, абитуриент огоҳлантиришларга қарамасдан тартиб-қоидани бузса, синовдан четлаштирилади. Бундай ҳолатда қоидабузар махсус далолатномани тўлдиради ва икки нафар абитуриент гувоҳ сифатида далолатномага имзо қўяди. Ўқув юрти номи, гуруҳ рақами, ихтисослик коди, абитуриентнинг тўлиқ исми, фамилияси, жавоблар варақаси рақами ва тест синовлари давомида бузган тартиб-қоидаси мазмуни далолатномага тўлиқ ёзилади. Шунингдек, тест материалларини топшириб чиққан абитуриент синовга қайта қўйилмайди. Агар аудиторияда фавқулодда ҳолатлар содир бўлса, воқеалар мазмуни тўғрисидаги далолатнома ДТМ вакили иштирокида тузилади.

Ниҳоят, аудитория раҳбари тест синовлари вақтининг тугаганлигини эълон қилгач, тест материалларини йиғиштириб олади. Кейин тест материалларини охиргилардан бўлиб топширган ва ихтиёрий танланган икки нафар абитуриент иштирокида алоҳида-алоҳида ҳолатда жамланган саволлар китоби, жавоблар варақаси ва титул варақаларини биттама-битта санайди. Материалларнинг сони абитуриентлар сонига тўғрилигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина, аудитория раҳбари ва кузатувчиси тест синовларидан четлатилган абитуриентлар бўлса, уларнинг жавоблар варақасига тўлдирилган далолатномани елимлаб, махсус пакетга жойлаштиради. Бундан ташқари, айнан шу махсус пакетга ишлатилган ва ишлатилмаган жавоблар варақаси ҳам маркер чизиғи бўйича тартиб билан солинади. Сўнг пакетга аудитория раҳбари ва кузатувчисининг варақаси ҳам жойлаштирилади. Шунингдек, бошқа далолатномалар бўлса (3-шаклдаги далолатномадан ташқари) ҳам шу пакетга солинади. Шундан сўнг, 4-шаклдаги далолатнома тўлдирилиб, аудитория раҳбари ва кузатувчиси ҳамда икки нафар абитуриент ҳам далолатномага имзо қўяди ва уни жавоблар варақаси пакетига жойлаштиради. Жавоблар варақаси пакети эмблема билан муҳрланади. Аудитория раҳбари қўлида қолган 3-шаклдаги далолатнома ҳам ўрнатилган тартиб бўйича тўлдирилиб, саволлар китоби қутисига солинади ва эмблема билан муҳрланади. Кейин эса аудитория раҳбари титул варақаларини махсус шаклдаги абитуриентлар рўйхати билан (ижодий имтиҳон ўтказилган гуруҳлар учун рўйхатнинг бир нусхаси олиб қолиниб) махсус пакетга солади ва эмблема билан муҳрлайди.

Хуллас, аудитория раҳбари ва кузатувчисининг қўлида 3 та (жавоблар варақаси пакети, саволлар китоби қутичаси, титул варақаси пакети) тест синовлари материали махсус эмблема билан муҳрланган ҳолда қолиши шарт. Ижодий имтиҳон ўтказилган гуруҳлардаги абирориентлар рўйхати ҳам қолади. Шундан кейингина аудитория раҳбари ва кузатувчиси назоратида қолган 3 та (агар бўлса, рўйхат) материални ДТМ вакили учун ажратилган хонага олиб бориб топширади ва махсус шаклга имзо чекади. Аудитория раҳбари ижодий имтиҳон ўтказилган гуруҳлар рўйхатининг бир нусхасини ўқув юрти қабул комиссиясининг масъул котибига топширади. Ниҳоят, аудитория раҳбари ва кузатувчиси ўзининг махсус гувоҳномасини ДТМ вакилига топширади.

Хулоса қилиб айтганда, аудитория раҳбари ва кузатувчиси тест синовлари жараёнининг белгиланган тартиб-қоидалар асосида адолатли ўтишини таъминловчи асосий шахслар ҳисобланади.

Қаюм БОЙМИРОВ,
Давлат тест марказининг бош эксперти





Direktor minbari

РАҲБАРЛАРИ ЎЗИ ВА ЖАМОАСИ ОЛДИДА ЖАВОБГАР

Инсон учун энг яхши нарса гўзал ахлоқ, тарбия бўлиб, шу гўзал хислатлар билан ном чиқаради. Шу боис инсоннинг улуғлиги унинг ақлий фикрлаш камолоти ва ахлоқий баркамоллиги билан ўлчанади.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"дан келиб чиқадиган бўлсак, бугунги ўқувчининг тафаккурини ривожлантириш учун қуйидаги мезонлар бетакрор ҳисобланади.

Биринчидан, тил ўрганиш, жаҳон цивилизациясида юз бераётган демократик ўзгаришлардан хабардор бўлиш, бозор муносабатларини ўрганиш, миллий истиқлол ғояси ва маънавий қадриятларимизнинг мазмун-моҳиятини чуқур ҳис этиш ёшларнинг эркин ва мустақил фикр юритишига имкон туғ-

ПУХТА БИЛИМ ШАХС САЛОҲИЯТИНИ БЕЗАЙДИ

диради. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчининг мавҳумликни тўхтовсиз забт этиши учун ахборот технологиясидан унумли фойдаланишни айтиб ўтиш жоиздир. Бунинг самараси ўлароқ, ўқувчи дунёни қанчалик билса, ўзлигини ҳам шунчалик англаб етганидан дарак беради.

Мактабимизни 2001-2002 ўқув йилида 1-4-синфларда 325, 5-9-синфларда 370 ҳамда 10-синфда 52 нафар ўқувчи битирди. Ўқувчиёшларга ДТС асосида янги педагогик технология усулларидан самарали фойдаланиб, 46 нафар устоз-ўқитувчилар турли фанлардан сабоқ беришмоқда.

Уларнинг ҳар бири масъулиятни дилдан ҳис этиб, эстетик дид билан ўқувчи шахсига бўлган ҳурмат ва талабчанликни унутмаганлиги боис мактабда ўқув-тарбия самарадорлиги ошмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, барча ўқувчилар ўзларига нисбатан ҳурмат, ижобий муносабатда бўлган ўқитувчининг ҳар бир сўзи, ахлоқий ўгитлари, бераётган ахборотига нисбатан қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги илиқ муносабатлар, юксак маънавий назорат ўрнатилишининг асосий сабабларидан бири миллий истиқлол ғоясини таълим мазмунига жорий этганимиз туфайлидир.

Иккинчидан, мактаб раҳбарияти томонидан режа асосида ойда бир марта фанлар бўйича ўқувчиларнинг билим самарадорлиги ДТС талаби асосида назорат тартибида ота-оналар иштирокида мулоқот, диспут, конференция дарси, КВН каби ранг-баранг шаклларда ўтилган машғулот ёки мавзулар бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси ўрганилади. Ёки ҳар бир фан ўқитувчиси унга билдирилган ишончни оқлаш учун педагогик маҳоратини тинимсиз ошириши, ота-оналарнинг фарзандларининг билим даражасини назорат қилишига туртки бўлади.

Бинобарин, 2001-2002 ўқув йилида ўқувчиларнинг давомати 97.3% ни ташкил этиб, 2000-2001 ўқув йилига нисбатан 14 фоиз юқори бўлди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, 2001-2002 ўқув йилида ўқувчиларимизнинг фан олимпиадаларида ва иқтидорли болалар кўрик-танлови шаҳар, вилоят ва республика босқичларида кўрсатган ютуқлари билан фахрлансак арзийди.

Жумладан, Каттақўрғон шаҳар мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган фанлар олимпиадасида 8 та биринчи, 4 та иккинчи, 6та 3-ўрин, вилоятларда 4 та биринчи, 1 та учинчи ўринни эгаллашга муяссар бўлдилар. Ёки ўқувчиларимиз иқтидорли болалар кўрик-танловида Каттақўрғон шаҳар бўйича қатнашиб, 8 та биринчи ўрин, вилоят бўйича қатнашиб 2 та биринчи ўрин, 2 та иккинчи ўрин, Республикада 1 та биринчи ўринни эгаллаганлигини кўрсатиб ўтиш лозим.

Булар орасида Ирода Ҳожиева, Юлия Умарова, Кравий Гриша, Олия Облеченко, Ригина Абдуллаева каби ўқувчилар иқтидорли болалар ўртасида ким ўзарга интилаётганлигида математика ўқитувчиси Ж.Широва, кимё-биология фанидан Т.Толстова, бошланғич синф ўқитувчиларидан И.Сафарова, Г.Аминова, Т.Смик, рус тили ўқитувчиси С.Мирзаеваларнинг ҳиссаси беқиёс бўлмоқда.

Айтиш жоизки, мактаб 1938 йилда қурилган бўлиб, бинонинг умумий майдони 4172 кв.м.ни ташкил этади. Мактабимиз диагностик таҳлил бўйича шаҳар халқ таълими бўлимида 3 йилдан бери биринчи ўринда келмоқда.

Бундан ташқари, мактабимизда "Юлдузча" номли 17-мактабгача таълим муассасаси билан ҳамкорликда болаларни мактабга тайёрлаш маркази ташкил этилган. Бу муассасага 23 йиллик тажрибага эга Дилором Тагаева раҳбарлик қилмоқда.

Мактабимиз қошида ёзги спорт ўйингоҳи ва қишки спорт зали мавжуд. Қувончлиси шундаки, спорт тўгарагига қатнашмайдиган ўқувчининг ўзи бизда йўқ.

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг шаҳар ва вилоят босқичларида иштирок этган ўқувчиларимиз волейбол, баскетбол, қўл тўпи ва енгил атлетика бўйича Каттақўрғон шаҳри бўйича умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Ёки 5-7-синф ўқувчилари ўртасида вилоят босқичида 2-ўрин, 8-9-синф ўқувчилари ўртасида 3-ўринни эгаллашга муяссар бўлишди. 2001 йилда ўқувчилар ўртасидаги бокс мусобақасида ўз вазнида Андрей Соннов чемпион бўлганлиги спортдаги ютуқларимиздан далолат беради. Мактабимиз қошидаги тарихий музей, ошхона, кутубхона, спорт зали ўқувчилар ихтиёрида.

Ўқувчиларни ватанпарварлик, жасурлик, саховатпешалик, тўғрилик ва ўзаро ҳурмат сингари хусусиятларни онгига қурол қилиб олган ўқувчиларимиздан Феруза Изтаева, Ирода Ҳожиева ва бошқалар республиканинг ғолиблари деб топилгани мактабимизнинг нуфузини ошириб, устозлар меҳнати рўёбга чиқаётганидан дарак беради.

Муваффақиятлар албатта кўп, бу билан фахрланамиз, лекин муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Маълумки, инсон билан ЭҲМ ўртасидаги мулоқот тараққиёт пойдевори ҳисобланади. Ўқувчиларимиз билимларини янада чуқурлаштириш учун ахборот технологиясига зарурият сезилмоқда. Афсуски бу борада мавжуд техник жиҳозлар ушбу эҳтиёжга мос эмас. Умид қиламизки, ҳомийларимиз ушбу муаммомизни ижобий ҳал этишга ёрдам беришади.

Венера ИШБЕКОВА,
Каттақўрғон шаҳридаги 3-мактаб директори

Ta'limda tadbirkorlik

БИРОВНИНГ ҚЎЛИГА ҚАРАМАЙ

Сирдарё вилояти шаҳар ва туманлари орасида ўқувчиларнинг билим даражаси бўйича Ширин шаҳри пешқадам бўлиб келмоқда. Қатор чинорлар орасида жойлашган "Нуробод" маҳалласидаги 4-мактаб эса бу соҳада шаҳар мактаблари орасида карвонбоши. Айрим жойларга борганда ажабтовур директорларнинг оғзидан, у етишмайди, бу кам, қўлимиз қисқа, моддий жиҳатдан қийналиб қолдик, деган зорланишни эшитасиз. Аммо қор тагида оққан сувдай индамай юргани билан ўтирган супасини санайдиган 4-мактаб директори Абдунаби Мустафоқуловдан шу тўғрида сўрасангиз, биз қаловини топдик, қаловини топсанг, қор ёнар экан, дейди. Ажойиб педагог, 52 нафар ўқитувчи ва 850 нафар ўқувчидан иборат катта жамоанинг узоқни кўзлаган, ташкилотчи раҳбари билан суҳбатимиз мавзуи мактабларда бюджетдан ташқари маблағ топиш ҳақида бўлди.

— Аслини олганда —дейди А.Мустафоқулов.— бозор иқтисодиёти бизнинг халқимиз учун бўйига тортганинг энига тўғри келмайдиган янги бошқотирма эмас, аксинча, ота-боболаримиз асрлар давомида амал қилиб келган усул. Биз шўро тузуми туфайли бу усулдан анча узоқлашиб кетдик, холос. Ҳали эсимиздан чиққани йўқ, бозорга бориб, писта ёки қурт сотган ўқувчиларни муҳокама қилиб, жазолаган пайтларимиз бўлган. Чунки коммунистик мафкура таълимоти бўйича бундай ҳол капитализмга хос деб ҳисобланар, бизнинг ёшларимиз эса бўлажак коммунизмнинг қурувчиси бўлиб етишиши керак эди. Ана шундай ман этиш шўро мактабларининг ўқувчиларни бир ёқлама қилиб тарбиялади. Олим, шоир ёки шифокор бўламан деган ўқувчиларнинг елкасига қоқдик, ёппасига қишлоқда қолиб ишлаймиз, деб лоф қилган битирувчиларимизни ташаббускорлар, деб мақтадик. Ваҳоланки, механизатор ёки сувчи бўлиш учун 11 йил мактабда ўқиш шарт ҳам эмас эди. Натижада савдо ходимлари орасида олий юридик маълумотлар ёки педагогик маълумотга эга кабобпазлар пайдо бўлди. Вақти келганда уларни қораладик. Холбуки, табаррук отахонларимиз айтгандай одам олиб ўрганмас, сотиб ўрганар экан. Фуқароларимизнинг барчаси ёппа харидорга айланиб қолгани, оқибатда биз кўп янгиликларни, ихтироларни патент ҳисобига хориждан сотиб олганимизнинг сабаби шунда.

Нимадир қилиш керак эди. Ўйладик, маслаҳатлашдик. Ниҳоят, бир қарорга келдик. Ўқитувчилар ва ўқувчилар ишлайдиган сартарошхона, суратхона, пойабзалларни таъмирлайдиган устахона, қандолат цехи, 2 та савдо дўкони очдик. Мактабимиз ихтиёрига 2 гектар ер олиб, қишлоқ хўжалик экинлари экдик. Иш юришиб кетди. Қаддимизни тиклаб, бирор тадбир ўтказамиз десак, илгаригидай бировнинг қўлига қарамайдиган бўлдик. Қўлимиз пул кўрди. Ибратли жойи шундаки, биз пулни бюджетдан ташқари топдик.

1999-2000 ўқув йилида 200 минг сўм соф даромад олдик. Кейинги йилларда эса даромадимиз 500 минг сўмга етди. Миллионер мактабга айланишимизга унча узоқ эмас. Тўплаган маблағларимизни асосан мактаб биносини таъмирлашга, ўқитувчилар ва ўқувчиларни рағбатлантиришга, турли тадбирлар ўтказишга ишлатмоқдамиз.

Яқинда ўтказилган сўнгги қўнғироқда энг яхши фан ўқитувчиси, энг яхши кабинет мудири, энг яхши синф раҳбари, энг яхши дарс йўналишларида танловлар якунланиб, ғолибларга қимматбаҳо мукофотлар берилди. Мукофотлар учун педкенгаш қарори билан 50 минг сўм ажратдик. Мактабимиз ўзининг 40 йиллик тарихига эга. Собиқ ўқувчиларимиз орасидан фан докторлари, республикада танилган журналистлар ва шифокорлар, ҳуқуқшуносларва ўқитувчилар етишиб чиққан.

Вазирлар Маҳкамасининг республика мактабларида бюджетдан ташқари маблағ топишни ташкил этиш тўғрисидаги қарори чиққандан сўнг Ширин шаҳар "Пахта" банкида ўз ҳисоб рақамимизни очган эдик, жамоамиз эндиликда шу рақамдаги маблағларни кўпайтириш устида бош қотирмоқда.

Мактаб ҳисобидан 5 минг туп терак кўчати экилган. Бу кўчатлар ҳадемай ҳар бири 10-15 минг сўм турадиган дарахтларга айланади.

Ташаббуснинг қаноти бор, дейдилар. Жамоамиз қўллаётган янгиликка юқори ташкилотлар, маҳалла аҳли, ота-оналар катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Энг муҳими, бу масалада улар бизни қўллаб-қувватлашаяпти. Натижада мактаб иши, таълим-тарбия масаласи умумхалқ диққат марказидан жой олмоқда. Бу эса ўқувчиларимизнинг билим даражасига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ

Суратда: ўқитувчиларни тақдирлаш маросими

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАЪЛИМИДА ҲАМ УЗВИЙЛИК ЛОЗИМ

Жамиятнинг шундай соҳалари борки, улардаги муаммолар тараққиётнинг маълум бир босқичида узил-кесил ҳал бўлиши мумкин. Айрим соҳалар эса бунинг акси. Таълим тизими ҳам айнан шундай соҳалар сирасига киради. Зеро, у жамият тараққиётига ҳамоҳанг тарзда унинг ҳар бир босқичида янгидан-янги муаммолар ва ечимларга дуч келаверади. Бу муттасил давом этувчи узлуксиз жараён. Унинг самарасини эса мазкур жараён компонентлари ўртасидаги узвийлик таъминлайди.

Халқ таълими вазирининг 2001 йил 6 ноябрдаги 161-сонли буйруғига биноан давлат таълим стандартлари, ўқув дастурларини такомиллаштириш юзасидан ўтказилган таҳлиллар, биринчидан, тасвирий санъат таълимида бир қатор муаммолар мавжудлигини янада ойдинлаштирган бўлса, иккинчидан, бу муаммонинг амалий ечимига доир назарий хулосаларни ишлаб чиқиш имконини берди. Айниқса, тасвирий санъат таълимида узвийликни таъминлаш муаммоси энг долзарб масалалардан бири сифатида эътироф этилди. Чунки таълимнинг бу соҳасида узвийликни таъминлаш умумий ўрта таълимнинг бошқа соҳаларига нисбатан мураккаб кечади. Бу мураккабликлар "Тасвирий санъат" ўқув предмети санъат соҳалари бўйича (тасвирий санъат, амалий санъат, меъморлик, дизайн ва бошқалар) кенг кўламли материалларни қамраб олишида, иккинчи томондан, пародаксал ҳолат, яъни айнан тасвирий санъатга минимал ўқув соати ажратилганлиги муаммони ҳал этишда бир қатор мураккабликларни юзага келтиришда кўринади. Уларни келтириб чиқарувчи омилларнинг таҳлили қуйидагиларда кўринади.

Биринчи омил — айтиб ўтганимиздек, тасвирий санъат таълимига ажратилган ўқув соатларининг камлиги. Шу боис, тасвирий фаолиятнинг бир туридан иккинчи бир турига ўтишда узвийликни таъминлаш мураккаблашади. Бу фаолият турлари кўп ҳолларда мазмун жиҳатдан бошқача характер касб этади.

Иккинчи омил — ўтилиши лозим бўлган ўқув материалларининг ҳажм жиҳатдан кенг қамровлигида намоён бўлади. Тасвирий санъат инсоннинг онгли ижодий фаолияти билан боғлиқ бўлган энг қадимий соҳалардан бири сифатида бугунги кунда кенг йўналишдаги соҳага айланган. Тасвирий санъат ўқув предмети мазмунида айнан шу жиҳат ўз аксини топиши лозимлиги туфайли ҳам ўқув материллари ҳажм жиҳатидан каттадир. Уларнинг айримлари тасвирий санъатдан ташқари бўлган материаллар (меъморлик, дизайн, амалий санъатга оид) ва уларнинг синтетик кўринишида бўлганлиги боис бадиий тарбиянинг пировард ижодий натижасида узвийликнинг ўрни беқиёслигини кўрсатади. Зеро, уларнинг бирор бир йўналишининг таълим мазмунида акс этмаслиги тасвирий санъат таълимининг бир бутун тизимида бўшлиқ ҳосил бўлишига олиб келади. Бу омиллар тасвирий санъат таълимида узвийликни таъминлаш борасида ҳал этилиши лозим бўлган методологик, илмий-назарий, ташкилий-педагогик ва методик масалалар борлигини ҳамда уларнинг ечими тасвирий санъат таълимида ўз аксини топмоғи лозимлигини кўрсатади.

Тасвирий санъат таълимида узвийликни таъминлашни икки йўналишда ўрганиш масаланинг туб моҳиятини очиб бериш имкониятини беради: таълим босқичлари ўртасида, яъни болалар боғчасининг тайёрлов гуруҳидан бошланғич таълимнинг 1-синфига, бошланғич таълимнинг 4-синфидан умумий ўрта таълимнинг 5-синфига ва ҳоказо, босқичларга ўтишда узвийликни таъминлаш; фаолият турлари (санъатшунослик асослари, натурага қараб тасвирлаш, композицион ва тасвирий фаолият) бўйича узвийликни таъминлаш, предметларнинг ўз ичида ва предметлараро алоқаларнинг ўрнатилиши ҳар бир предметнинг ўқув материаллари баёнидаги мантиқни, бериладиган назарий билим, амалий кўникма ва малакаларнинг шу предмет мазмунидаги мантиғини, амалиётнинг назария билан алоқадорлигини чуқурроқ англашга, борлиқнинг шу икки жабҳасидаги узвийликсиз тараққиёт бўлмаслигини теранроқ англашга ёрдам беради.

Тасвирий санъатда узвийликни таъминлаш муаммоси ечимини айрим хулосаларда кўриш мумкин:

1. Таълим босқичлари ўртасидаги мантиқий боғланиш унинг кейинги босқичида такомиллашган, мураккаблашган кўринишда бўлиши лозим бўлса-да, маълум даврда ўқитилмаслик ҳолатлари мавжуд. Масалан, болалар боғчаларининг тайёрлов гуруҳида "Тасвирий санъат билан таништириш" бошланғич таълимнинг 1-синфига келиб давом эттирилмайди. Бу йўналишдаги таълим фақат 2-синфда "Санъатни идрок этиш" бўлимида давом эттирилади. Аслида, бу йўналишда таълим 1-синфда ҳам давом эттирилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, 1-синф ўқувчилари борлиқни идрок этиш машғулотларида композициялар учун мавзу топадилар, бевосита борлиқни идрок этиш орқали уларнинг мазмуни ҳақида тасаввур ҳосил қиладилар; иккинчидан, борлиқ ва санъат, инсон ва табиатнинг муштараклиги ҳақида реал билимларга эга бўладилар. Шу нуқтаи назардан болалар боғчасида борлиқни идрок этиш йўналишида олиб бориладиган машғулотларда болаларни атроф-муҳит билан танишиш машғулотларидан фарқли уларок айнан тасвирий фаолиятга тайёрлашни асосий мақсад қилиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Ta'kid

2. Болалар боғчаларининг тайёрлов гуруҳи ўқув вазифаларида мураккаблик жиҳатидан шу гуруҳ болаларининг ёшига ва тайёргарлик даражасига мос бўлмаган топшириқлар мавжудки, уларни бошланғич таълим бўғинида ўзлаштиришни назарда тутиш ҳамда болалар боғчаларида тасвирий фаолиятнинг элементар асосларига эътиборни қаратиш таълим босқичлари ўртасида узвийликни таъминлашнинг дидактик жиҳатдан тўғрилигини кафолатлайди.

3. Тасвирий санъат таълимининг энг "оғриқ нуқтаси", шубҳасиз, ўқув методик адабиётлар ва дидактик материаллар тақчиллиги билан боғлиқ. Айниқса, 1999-2000 ўқув йилидан янги мазмун ва тузилишдаги ўқув дастурининг амалиётга жорий этилиши билан ўқувчилар ва ўқитувчилар фаолиятида дарслик ва методик адабиётларга эҳтиёж яққол сезилиб қолди.



4. Ўқув материаллар ҳажми билан уларни ўзлаштириш учун ажратилган соатларнинг мувофиқлиги ҳам тасвирий санъат таълимида узвийликни таъминлаш, охир-оқибат унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу масаланинг ечими мазкур таълимга 2 соат вақт ажратилиши билангина ҳал этилиши мумкин.

5. Бадиий таълим йўналишида умумий ўрта таълимнинг 8-9- синфлари билан академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежларидаги бадиий йўналишдаги таълим ўртасида узвийликни таъминлаш учун 8-9-синфларда ҳам тасвирий санъат ўқитилишининг назарда тутилиши ёки "Жаҳон бадиий маданияти тарихи" предметининг жорий этилиши бадиий таълимнинг бир бутун тизимини яратишни таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида ўқувчиларни бадиий ва маънавий саводхон қилиб тарбиялашга хизмат қилади.

А.СУЛАЙМОНОВ,
Ўз ПФИТИ бўлим мудири, педагогика фанлари номзоди,
М.ЗОКИРОВА,
Республика таълим маркази бош мутахассиси,
З.ШЕРАЛИЕВ,
Улуғнор туманидаги 11-мактаб ўқитувчиси

ЖАСУР САРКАРДА ЁДИ

Taklif

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг она-Ватанимиз тарихига бўлган қизиқиш янада кучайди. Ўтмиш ҳақиқати халқимизда миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини янада алангалатиб юбормоқда.

Маълумки, қизил мафкура тарихий илдизларимизга болта уриш билан миллий қадриятларимизни ҳаётдан ажратиб қўйишга интилиб келди. Эркка ташна миллат фарзандларининг овози бўғиб қўйилди. Асрлар давомида миллатчилик нима эканини билмаган Туркистон халқи миллий давлатларга бўлиб юборилиб, бир-бирига қайраб бошқариш сиёсати юргизилди. Жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган улуғ боболаримиз дунёқарашлари, илмий изланишлари ва ижодий асарлари чуқур ўрганилмади.

Шукрлар бўлсинки, халқимиз яна тарихий илдизлардан куч-қувват олаяпти. Мустақиллик ҳаққоний тарихимизнинг уйғонишига, миллий онгнинг ривожига имконият яратди. Ватан тарихи фани тамомила янги — миллий манфаатлар замирида қайта уйғонмоқда.

Айниқса, ёш авлод тарбиясида тарих фанининг аҳамияти бениҳоя каттадир. Тарихни безамасдан, ҳеч қандай қўшимчаларсиз таърифлаш ва ўқувчилар онгига сингдириш бугунги кун ўқитувчисига улкан масъулият юклайди.

Тарих ўқувчи маънавиятига куч-қудрат бағишлайди, онгли ва иродали бўлиб тарбияланишига ёрдам беради. Фан ўқитувчиси фақат дарслик, қўлланма ва ёзма манбалардан фойдаланиб қолмасдан, тарихий-бадиий асарларни ҳам кўпроқ ўқиб туриши, улардан дарс пайтида унумли фойдаланиши зарур. Ўқитувчининг маҳорати тарихий воқеаларни ўқувчилар онгида жонлантириш билан ҳам белгиланади. Чунки, тасаввурда акс этган тарихий воқеалар киши онгида бир умр муҳрланиб қолади. Касбига ижодий ёндошган ўқитувчи ўзи яшаб турган ҳудуд тарихи, қадамжолари, тарихий воқеалар шоҳиди бўлган ёки унда қатнашган юртдошларини билиши ва ўз ўқувчиларини бу тарихий сир-синоатлар дан бохабар қилиши зарур. Бу эса ёш авлодни ватанпарварлик, халқпарварлик руҳида тарбиялашда, туғилиб ўсган жойига муҳаббат боғлашида муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, тарихий воқеалар фақат шаҳарларда юз берган эмас, балки Ўзбекистонимизнинг ҳар бир қишлоғию гўшаси, тоғу адирлари, дарёю тўқайзорларида ҳам содир бўлган. Жумладан, Жомбой туманида ҳам тарихий қадамжолар, воқеалар шоҳиди бўлган ерлар жуда кўп. Бунга асосий сабаб туманнинг қадимий Буюк Ипак йўлида жойлашгани бўлса, иккинчи томондан, Самарқанд шаҳрига чегарадош бўлганлигидир. Маълумки, Жомбой тумани Зарафшон дарёсининг ўрта қисми, ўнг қирғоғи бўйларида жойлашган. Қадимда Политимет деб юритилган ушбу дарё бўйлари қалин бутазору тўқайзордан иборат бўлган. Ушбу тўқайзор ҳозирда анча қисқарган бўлса-да, аммо республикамизда энг йириги ҳисобланиб, "Зарафшон давлат қўриқхонаси" деб аталади. Қўриқхонанинг ҳозирги майдони 1000 гектарни ташкил этади. Унда 300 га яқин ўсимликлар дунёси, ўнлаб турдаги сут эмизувчилар, қушлар мавжуд. Беш йилдан буён қўриқхонада ноёб жонивор Бухоро буғуси — "Хонгул" парвариш қилиниб келинаяпти.

Шуниси қизиқки, қадимда ушбу тўқайзорда Турон йўлбарси ва қоплонлари ҳам мавжуд бўлган. Тўқайзорлар ўтиб бўлмас даражада қалин бўлганлиги боис Мароқанд шаҳрини душмандан ҳимоя этишда муҳим стратегик аҳамият касб этган. Худди шу тўқайзорда Ватан озодлиги учун курашиб, "Осиё қоплони" деган ном билан шуҳрат қозонган Спитамен юртимизга бостириб кирган Александр Македонский лашкарлари билан жанг қилган. Улар тўқайзорни кесиб ўтадиган йўл четларига пистирма қўйиб душман лашкарларига катта талофат етказганлар. Кўз илғамас чакалакзор орасидан отилаётган ўқ-ёйлар енгилмас юнон лашкарларини саросимага солиб қўйган. Оқибатда улар минглаб лашкарларидан жудо бўлиб тарихда унутилмас талофатнинг шоҳиди бўлишган.

Ғазаб ўтида ёнган Александр Македонский буюк сўғд ўғлони Спитаменни тутиб олиш мақсадида тўқайзорга ўт қўйган. Спитамен бурқсиб ёнаётган олов ичида ҳам жасорат кўрсатиб, дарё бўйлаб юрган ва душман қамалини бузиб Қизилқум томонларга чекинган. У сўнгги нафасига қадар душман билан курашиб, Ватан озодлиги йўлида жасорат намуналарини кўрсатган.

Менга ҳар доим Спитамен Зарафшон дарёси бўйидаги Чўпонота тоғидан туриб беполён тўқайзорни кузатаётгандек туюлаверади. Унинг оёғи остида оппоқ от кишнаб туради, эгнида қоплон терисидан тикилган камзул, кумуш камарида товланиб турган ханжар ва узоқ-узоқларга мағрурона қадалган бургут кўзлари гўё душман лашкарларини кутаётгандек бўлади. Бизнингча, Самарқанд шаҳрига кириб боришда дарё бўйидаги Чўпонота тоғининг юқори тепалигида Озодлик ва Мустақиллик учун жонини тиккан Спитамен хотирасига бағишлаб улкан ҳайкал ўрнатилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки ҳозирги вақтда биз назарда тутаётган тоғ тепалигида Самарқанд шаҳрини босиб олишда вафот этган Чор Россияси армияси аскарлари хотирасига бағишланган ёдгорлик тоши ўрнатилган. Ушбу ёдгорликни бузиш ҳақида таклифлар ҳам бўлди. Аммо бу ер тарихий жанг майдони бўлганлиги учун ушбу ёдгорлик Самарқанд ҳимоясида қурбон бўлган боболаримиз шаънига қолгани маъқул деб ўйлаймиз. Унинг ёнида жасур саркарда Спитамен учун ҳайкал ўрнатилса, деган фикрдамиз. Албатта, бу таклиф. Мутахассислар бу ҳақда ўйлаб, кенгашиб кўрадилар, деб ўйлаймиз.

Олимжон ҲАМЗАЕВ,
Жомбой туманидаги 18-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси

Tarbiyaviy soatlarda

ШАРОБНИНГ ТЎРТ "ХОСИЯТИ"

Тенгқурлар ўртасидаги ҳазил-мутойиба яхши нарса-да, бир-бирини кўрганда дўсту ёрларнинг яйраб кетишини шоирлар мисрага ҳам солишган. Қадрдонлар учрашганда, "Сизни кўрмаганимга минг йил бўлди-я" дея бир-бирларига қучоқ очишади. Дўстлар дийдорига не етсин!

Мулла Қодирни кўрганда, Барот ака кўпинча унга ҳадди сиққанича ҳазил-ҳузул гаплар қиларди. Бунга мулла аччиқланмасди ҳам, гап шариатнинг ақидаларидан кетганда унинг авзойи бироз ўзгариб, Баротни жиловлаш пайидан бўларди. Барот эса у айтган ақидаларнинг кўпига шубҳа билан қararди.

Кеча мулла Қодир "куф-суф"га тушган товуғини сўйиб, таом қилиб ейиш учун хотини биби отинга деди:

— Товуқни уч кун дон бермай, фақат сув бериб қантар, кейин сўямиз!

Имомнинг амри бажарилди. Товуқ бечора гўёки бир муддатда пати этидан ажралишини билгандек тинмасдан қақоғларди. Тўртинчи куни эрталаб биби отин:

— Товуқни сўйиб беринг, тозалаб қўяй, кечга овқат пишираман! — дея тараддудланди.

— Мени Давирникига жанозага айтиб кетишди. Қўшнилардан бирига айтиб сўйдирарсан, — деб шошилганича жўнаб қолди эр.

Биби отин қўшниси, имомнинг дўсти Барот акани чақириб, товуқни сўйдирди.

— Кечқурун товуқ шўрва ичарканмиз-да, — деб илжайди жониворни ҳалоллаган қўшниси.

Чиндан ҳам кечқурун товуқни ҳалоллагани учун Барот ака овқатга таклиф қилинди. У бир шиша винони ҳам костюмининг ички чўнтагида имомникига олиб кирганди. Дўстидан винонинг анқиган ҳидини сезган имомнинг таъби хиралашди.

— Агар ароқ қаерга тўкилса, ўша ерни кесиб олиб ташлаш керак, уни ювган билан тоза бўлмайди, — деди жаҳл устида имом.

— Ундай бўлса, бугун товуқни сўйганимда ҳам кайфим бор эди, бу ёғи қандоқ бўлди? — қўшниси шундай дейиши билан имом олдидаги товуқ шўрвани суриб қўйиб, ичишдан тўхтади.

Барот эса баттар жиннилиги тутиб қўйнидаги шишани очиб, винодан бир стакан тўлатиб ичиб юборди-да, тўшалган гиламнинг чор-атрофига оз-оздан сепиб чиқди. Сўнгра гандираклаб жойига ўтирди. Худди ҳеч нарса бўлмагандек овқат ичишда давом этар экан:

— Энди гиламингизни бурдаламай, меникига алмаштириб қўя қолинг. Чунки бизникига ароқ тўкилмаган, бунинг устига янги, — деди истеҳзо билан.

Икки хил феъл-атворли қўшниларнинг тортишуви имомнинг бошқа хонага ўтиши билан ниҳоясига етди. Барот эса ширакайф ҳолатда уйи томон жўнаб қолди.

... Эртаси куни Барот имомдан узр сўраган бўлди. Шунда мулла Қодир шаробнинг тўрт "хосияти"ни ҳикоят қилиб келтирди: "Абул Фараж айтганидек, дастлабки ичишда одам товусга ўхшаб гердаяди, саллона қадам ташлайди. Бироздан кейин маймун бўлиб ҳаммани кулдиради. Кейин шер бўлиб, атрофдагиларга ҳамла қилади. Охири чўчқа бўлиб ботқоқликка ботади".

Барот, афтидан шу вақтга қадар ичкиликнинг ярамас амал эканлиги ҳақида бунчалик таъсирли гап эшитмаган шекилли, кечаги ва аввалдан қилиб юрган лўттибозликларини ақл тарозисига солиб кўрди, Оллоҳга истиғфор айтди.

ОТА НАСИҲАТИ

Ота ўғлига насиҳат берди: "Сипо билан дўст бўлма, хотинингга сиринги айтма, нокасдан қарз олсанг, харажат қилма!"

Бола бу ўгитларга дастлаб амал қилмади. Кўп дўстлар орттирди, зиёфатлар берди, хотинига барча сиру асрорларини айтиб, панд еб юрди ва ниҳоят кўзи мошдек очилган фарзанд отаси берган насиҳатларнинг тамоман тескарисини қилиб, унинг нечоғли ҳаққоний ёки ҳаққоний эмаслигини текшириб кўрмоқчи бўлди.

Кунларнинг бирида йигит бир қўйни сўйиб, қопга солди ва уни судраб уйига қайтди. Хотинига бир ҳатининг тўғри чиқиш-чиқмаслигини билиш мақсадида тажриба ўтказганини ҳикоя қилиб берди.

— Отамнинг ўгитлари юз фоиз тўғри экан, — деди ва миршабхонадагилар ҳам унинг оқилона иш тутганига тасаннолар ўқишди.

Йигит оқланиб уйига қайтди. Қарзини узди, хотинига иккинчи бор сирларини айтмайдиган, дўст танлашда янглишмайдиган бўлди.

Ровийлар, ота рози — худо рози, она рози — пайғамбар рози, демишлар. Ва яна шундай мисралар ҳам бор:

Ўғил қиз эзгу иш қилса,
Ким суюнар ота-онадек?
Ўғил-қиз ёмон иш қилса,
Ким куюнар ота-онадек?

ТУРМУШ СЎҚМОҚЛАРИДА

ҲАЛОЛ МОЛ

Қишлоқда ўғрилар кўпайган, аммо билолмайсан, пешонасига "ўғри" деб ёзиб қўйишмайди-да. Рустам ака гарчанд ўғрилар кўпайганидан ташвиш чекаётган бўлса-да, онасидан айрилган бузоқчани сўқимга бойлади. Савил қолгур авваллари ҳам болаларни сузар эди, алоҳида парваришдан сўнг эса бу қилиқлари "қуюқлашди".

Жониворнинг яқинига фақат уй эгаси — Рустам акагина бемалол бора олар, кампири, ўғил-қизларига эса жонвор ҳамла қилиб, қўрқитиб қўйганди. Шу боис болалари ем-хашакни бир қадам беридан ташлаб қочишарди. Сувни эса челакда эмас, тоғорада хўкиз томон итариб қўйишарди.

Беш олти ой ўтибоқ, жонивор шу қадар семириб кетдики, ҳаттоки Рустам аканинг ўзи ҳам унинг ёнига боришга қўрқадиган бўлиб қолди. Эртаю кеч бу сўқимни қўриқлаб ўтириш Рустам аканинг хаёлига ҳам келмасди. Аммо "кўз-қулоқ" бўлиб туришларини хотини, болаларига тайинлаб қўйган эди.

Алқисса, ҳўкизга ўғри тушди. Тунинг бир маҳалида, итларнинг ҳам овози тинган вақтда ўғри уни оғилхонадан қандай олиб чиқса чиқибдики, ҳовлидан салкам юз метрлар чамаси у ёққа ўғрини олиб қочибди. Ҳовли шудгор ҳолига келган. Ўғрига ҳужум зўрайган шекилли, ўзини ҳимоя қилиш учун пичоғини ишга солиб, ҳўкизнинг бир неча жойига санчишга муваффақ бўлган. Албатта, ўғрига охир-оқибатда жон ширин кўриниб, буқани шу аҳволда қолдирганча ғойиб бўлибди.

... Эрталаб ҳовлида новвоснинг жонталвасасида ўзини у ёқ-бу ёққа отаётганини кўрган Рустам аканинг кўзи косасидан чиқиб кетди ва бўлган воқеани англади. Хонадон соҳиби вақтни бой бермай, жониворни бўғизлади.

Бу воқеадан хабар топган қўни-қўшнилар Рустам акага тасалли беришди: "Хафа бўлманг, молингиз ҳалол экан, ўғрининг уйи куйсин!".

Ҳалолликка нима етсин!

ОЛИЙЖАНОБЛИК

Элимизнинг хўп ажойиб анъаналари бор. Тўй-маъракаларда қариндош-уруғларнинг бир-бирларига мол улашадиган одатлари қадимдан мавжуд.

Оралари юз чақиримча келадиган қариндошлариникига уч киши машинада кетишяпти. Машина орқасидаги махсус жойга бир қўй қамалган. Бевақт оламдан кўз юмган ўғилнинг еттисига ҳадя.

Қайсидир бурилишда шофёр машинани тўхтатиб, қўйнинг ҳолидан хабар олди. Ҳаммаси жойида. Орадан кўп ўтмай, йўловчилар манзилга етиб келишди ва машинанинг орқа эшиги очиқлигини кўриб, ҳайдовчининг юраги "шиғ" этди. Ҳали текширувда эшикнинг илгагини яхши илмаган экан шекилли, жонивор қаердадир тушиб қолган эди.

Орқага қайтишди. Бояги бурилишга етмай туриб, йўлдаги қишлоқ хонадонларини оралашларига тўғри келди. Даштликда қўй боқиб юрган чўпонлардан ҳам рад жавобини олгач, шофёрнинг тарвузи қўлтиғидан тушди.

— Агар шу қишлоқда қолган бўлса, буни мактаб орқали топишимиз мумкин, — деди қўйнинг эгаси ва мопеди билан чор-атрофнинг тинчини бузиб келаётган йигитчани тўхтатишди.

— Қайси муаллимнинг уйи яқин!

— Ана у ҳовли, Дўсмат аканики.

Дўсмат аканинг уйи томон қадамлаган йўловчиларнинг кўнгиллари ёришди. Гўёки жонивор топилдигандек бир илинж билан Дўсмат аканинг ҳовлисига кириб боришди. Салом-аликдан сўнг ҳайдовчи юрак ютиб, гап бошлади:

— Кечирасиз, бундан уч соатлар чамаси биз шу қишлоқда қўй йўқотдик. У машинанинг орқасига қамалган эди, бизга унинг тушиб қолгани умуман сезилмади. Бир қариндошимизнинг маъракасига атаб олиб бораётгандик, уялиб қолдик.

— Бўйнида сими бор эдими?

— Ҳа, ҳа!

— Ундай бўлса, бизникида! Жонивор ўз оёғи билан бизникига кириб келди, ҳайрон бўлдим. Кейин ўзимнинг қўйларимга қўшиб қўйдим. Агар излаб келишса бермоқчи эдим, шундай бўлишини юрагим сезган эди...

Дўсмат муаллим қўйни эгаларига топширар экан, узатилган пулни олмади. "Миннатдорчилигингизнинг ўзи менга етади" дея уларга оқ йўл тилади. Бу тилакка Дўсмат муаллимнинг олийжаноблиги ҳам жойланганини йўловчилар юрак-юракдан ҳис қилишди ва у билан мамнун хайрлашишди.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА

Айни вақтда солиқ ва божхона органлари ходимларининг бошланғич тайёргарлик ҳамда малака ошириш курслари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Оролбўйи аҳолисини сув билан таъминлаш ва улар соғлиғини яхшилаш каби масалалар устида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

"АНАХИТА"ГА ФАҚАТ ТАБИАТСЕВАРЛАР АЪЗО БЎЛАДИ

Яқинда билимга чанқоқ, изланувчан ёшларни бирлаштирувчи "Бунёдкор" ёшлар телеклубида "Анахита" деб номланган ёш экологлар гуруҳи ташкил топди.

Экогуруҳ ўз олдига қандай мақсад ва вазифаларни қўйган, деган саволимизга унинг етакчиси Зафар Хўжаев шундай жавоб берди:

— Техника тараққиёти, ер аҳолисининг кўпайиши ва эҳтиёжларнинг кескин ортиб кетиши оқибатида инсоният табиий ресурслардан эксплуататор сифатида фойдаланишга ўтди. У яратган техниканинг даҳшатли қудрати экологик вазиятнинг бузилиши ва она сайёрамизнинг ифлосланишига олиб келди. Ҳозирги кунда мутахассислар бундай инқирозлардан қутулишнинг фақат биттагина йўли бор, деб айтишмоқда. У ҳам бўлса ижтимоий онг ва илмий билимлар сифатини тубдан ислоҳ қилиш орқали турмуш шарт-шароитларини ўзгартиришдир.

Бизнинг ҳам асосий мақсадимиз, табиатни асраш ва экологик муаммоларни ечишда ёшларнинг фаоллигини оширишдир.

— Ҳозирги кунда қандай ишларни амалга ошираяпсизлар?

— "Атрофимиздаги борлиқ бизнинг қўлимизда" шиори гуруҳимиз қиладиган ишлар моҳиятини кўрсатади, — дея суҳбатга қўшилди Ҳилола Сулаймонова. — Бизнинг вазифамиз табиатни муҳофаза қилиш юзасидан экоконференциялар ўтказиш, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан ишлаш, мактабларда экологик билимни тарғиб қилиш, табиатни асраш борасида турли тадбирлар ўтказишдан иборат.

— Сизларда қандай ёшлар қатнашади?

Бу саволимизга гуруҳ мувофиқлаштирувчиси Шодиёр Эшаев жавоб берди:

— Гуруҳимизга табиатни асрашга бефарқ бўлмаган барча ёшлар аъзо бўлиши ва тадбирларда иштирок этишлари мумкин. Ҳозирги кунда ҳам турли лойиҳалар устида 15 га яқин ёш экологлар ишлашмоқда. Жумладан, семинарлар ўтказиш, "Табиат ва цивилизация" мавзусида очиқ эшиклар куни, меҳрибонлик уйида "Болалар — дунёнинг гуллари" деб номланган симпозиум ўтказишни ташкиллаштирганмиз.

Шунингдек, гуруҳимиз бошқа давлатларда фаолият юритаётган экоҳаракатлар ҳамда нодавлат ва нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишга ҳам бел боғлаган.

Шоҳиста ЭРГАШЕВА

ИНСОНИЯТ БОШИДАГИ ТАШВИШ

Ekologiya

Одамзоднинг табиат ва унинг неъматларига нисбатан шафқатсизликлари бугун ортса ортиб боряптики, асло камаймаяпти.

Афсуски, ҳавонинг ифлосланаётгани, она тупроқ таркибида заҳарли моддаларнинг ортиши, ўсимлик ва ҳайвонлар турларининг камайиб бораётгани оғир экологик тангликни вужудга келтиряпти.

Инсонни табиат вояга етказишини жуда яхши биламиз. Шундай экан, ундаги барча неъматлар, айниқса, сув, қуёш ҳарорати, ҳаво тириклигимизни таъминловчи омиллар сифатида муҳим роль ўйнайди. Аммо тупроқда шўрланиш, сувда ифлосланиш, ҳавода кислород етишмаслиги каби ҳолатлар сабаб, қишлоқ хўжалиги соҳасида ривожланиш юқори даражада эмас. Шунингдек, бундан одамзоднинг ўзи ҳам чексиз зиён кўрмоқда. Жумладан, анемия, гепатит, тиф, рак, астма, юрак хасталикларининг кўпайиб бораётгани сир эмас. Ўтган асрда Орол бўйидаги аҳолининг, айниқса, ёш болалар соғлиғи ёмонлашуви, Қорақалпоғистондаги 72% аҳолининг соғлиғи яхши эмаслиги, 80% кишилар респиратор касаллиги билан оғриши аниқланганди. Оролнинг Сибирдан келаётган совуқ ҳавони юмшатиб, ёзда жазирама иссиқни билдирмай туришга энди қурби етмаяпти. Негаки, минтақамизда ёз қисқа ва ёғингарчиликсиз, қиш эса узун ҳамда совуқ бўлмоқда. Ваҳоланки, ёғингарчилик 10 баробарга пасайиб, 50 кунлаб шамол эсиши ва унинг тезлиги 20-25 м/с гача етиши анча хатарли ҳолдир.

Оролбўйи аҳолисини сув билан таъминлаш ва улар соғлиғини яхшилаш каби масалалар устида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Ахлатхоналар сифатини яхшилаш, канализацияларнинг доимий, бир маромда ишлашини таъминлаш, аҳолига сифатли ичимлик сувлари етказиб бериш каби бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, "Экосан" халқаро жамғармасининг ташаббуси билан "Сибир — Марказий Осиё" канали лойиҳасининг яратилаётгани ҳам кишини қувонтиради. Аммо энди инсон энг оғир масалалар устида бош қотиришга мажбур. Ҳолбуки, хатони тузатишдан кўра, унинг олдини олган афзал. Зеро, ҳадисларда ҳам табиатга ёмон муносабатда бўлганларга икки дунё азобини тортишлари хусусида сўзлар айтилган.

Шундай экан, ўзимизни, табиатни асрайлик, авайлайлик.

Нафиса МАЖИДОВА, ЎзМУ ўқитувчиси

Ал-Хоразмий номидаги 22-ўрта мактаб қошида ташкил этилган "Ором" болалар дам олиш маскани Навоий туманидаги "Ҳазара" қишлоғида жойлашган. Бу ерда 50 нафар 1,2,3,4,5-синф ўқувчилари мириқиб дам олиш билан бирга, тўгаракларда рассомчилик, каштачилик, тикувчилик сирларини ўрганмоқдалар.

Бундан ташқари, "Нурхас" маркази томонидан ташкил этилган

"ОРОМ" БАҒРИДА

каратэ тўгараги ҳам ўқувчиларнинг севимли жойига айланган. Шунингдек, Зарафшон дарёси соҳили қадимий ёдгорликларга саёҳат уюштирилди, — дейди Навоий туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси раиси Баҳодир Туробов.

Бундай саёҳат болаларни бир-бирига яқинлаштирибгина қолмасдан, уларга яшаб турган жойининг тарихини, бой маънавий меросини ўргатишга ҳам катта хизмат қилади.

Моҳинисо ПЎЛАТОВА

НОГИРОНЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

16-мақола

Qonun va fuqaro

Ногирон... Ушбу қонунда бу тушунчага таъриф берилади. Унга кўра, жисмоний ёки ақлий нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож бўлган шахс ногирон ҳисобланади. Шахснинг турмуш фаолияти чекланганлиги унинг ўз-ўзига хизмат қилиш, юриш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз хатти-ҳаракатини назорат этиш, шунингдек, меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қобилияти ёки имкониятини тўла ёки қисман йўқотганлигида ифодаланади. Шахсни ногирон деб топиш тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) томонидан Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда амалга оширилади.

Мазкур қонун ногиронларга ҳуқуқ ва эркинликларни рўёбга чиқаришда Ўзбекистон Республикасининг бошқа барча фуқаролари билан тенг имкониятларни таъминлаш, уларнинг турмуш фаолиятидаги чеклашларни бартараф этиш, ногиронларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришларига, жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида фаол қатнашишларига, шунингдек, ўзларининг фуқаролик бурчларини бажаришларига имкон берадиган қулай шарт-шароит яратиш мақсадида давлатнинг ногиронларга оид сиёсатини белгилайди.

Қонун 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган. У 40 моддадан иборат.

Қонунда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга доир бир қатор нормалар ўрнатилган. Унга кўра, давлат ногиронлар, айниқса, ногирон болалар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилади. Чунончи, болаликдан ногирон бўлганларнинг ҳамда бошқа I ва II гуруҳ ногиронларининг уй-жой шароитини яхшилаш чоғида уйлар уларнинг иш жойларига ҳамда даволаш-профилактика муассасаларига ва транспорт йўлларига яқин бўлиши зарурлигини ҳисобга олган ҳолда берилади. Ногиронларни тиббий, касбий ва ижтимоий жиҳатдан тиклаш, илм олиши ва касбий тайёргарлиги, меҳнат фаолиятларига шароитлар яратади, кўмаклашади, кафолатлайди, ижтимоий ёрдам кўрсатади. Ижтимоий ёрдам пул тўловлари (пенсиялар, нафақалар, бир йўла бериладиган тўловлар) шаклида, техника воситалари ҳамда бошқа воситалар, жумладан, автомобиллар, ўриндиқли аравачалар, протез-ортопедия буюмлари, махсус ҳарфли матбаа нашрлари, овоз кучайтиргич аппаратлар ва сигнализаторлар билан таъминлаш шаклида, шунингдек, тиббий-ижтимоий ва касб жиҳатдан тиклаш ҳамда маиший хизмат, транспорт хизмати кўрсатиш йўли билан берилади.

Ногиронлар ва улар номидан иш кўрувчи шахслар, ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш мақсадида жамоат бирлашмалари, жамғармалар тузишлари мумкинлиги қонунда белгиланади. Улар (яъни ушбу ташкилотлар) бинолар олишда, хом ашё, ишлаб чиқариш — техника ускуналарини сотиб олишда, биринчи навбат ҳуқуқидан фойдаланадилар ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ имтиёзли суръатда пул ва кредит билан таъминланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Миродил БАРАТОВ

ҒАРОЙИБ ОҚШОМ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Миср Араб республикасининг элчихонаси ҳамда "Ўзбекистон-Миср" дўстлик жамияти ушбу давлатнинг шонли июль революциясининг 50 йиллиги, Миср билан Ўзбекистон ўртасидаги дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 10 йиллиги тантаналари доирасида Миср элчихонасининг Матбуот шўъбаси билан биргаликда атоқли Миср адиби Тавфиқ Ал-Ҳакимнинг "Ғаройиб оқшом" спектакл намойишини уюштирдилар.

Аброр Ҳидоятов номидаги ёш томошабинлар театри ижодкорлари томонидан саҳналаштирилган ушбу асар кўригига йиғилганларга Мисрнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жамил Файид жаноблари икки халқ ўртасидаги ҳамкорлик ришталари ҳақида гапирди. Шунингдек, томошадан аввал Миср адиби Тавфиқ ал-Ҳаким ва унинг Миср адабиётига қўшган ҳиссаси тўғрисида ҳам кўпчилик билиб олди.

"Ғаройиб оқшом" асари ҳам эзгу ғоялар билан йўғрилган. Унда эртанги кунга умид билан яшаш, ўз орзу-ниятлари рўёбга чиқиши учун тинмай ҳаракат қилиш лозимлиги тилга олинган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Неъмат Олимов, Азиза Бегматова, Дилбар Исмоилова, Элёр Носиров, артистлар Муҳаббат Абдуллаева, Гулбаҳор Раҳимовалар талқин этган образлар барчага манзур бўлди.

— Бу намойиш, — деб таъкидлади Миср элчихонасининг матбуот шўъбаси раиси, маслаҳатчиси Рафъат ас-Саъба, — юқорида номлари зикр этилган тантаналар доирасидаги тадбирларнинг бошланиши. Биз ўзбек халқи билан дўстлик, ҳамкорлик алоқалари ўрнатганлигимизнинг 10 йиллик тўйини муносиб нишонлаймиз.

Саодат РИСҚИЕВА, ЎзДЖТУ магистранти

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ ва божхона органлари академияси ташкил этилганига бир йил тўлди.

Мазкур ўқув даргоҳи бошлиғининг ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича биринчи ўринбосари Наим Обломуродов академиянинг ўтган даврдаги фаолияти хусусида ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Академиямизда ҳозирги кунда 8 фан доктори, 34 фан номзоди ёшларга таълим бермоқда. Шу билан бирга нуфузли ўқув даргоҳларида меҳнат қилаётган 15 нафардан зиёд профессор—ўқитувчи ҳам қўшимча ишлашга жалб этилган. Жорий ўқув йилида бир йиллик бакалаврларни қайта тайёрлаш курсини илк бор 50 нафар тингловчи битиряпти. 2001 йилда тўрт йиллик бакалаврлар тайёрлаш курсига қабул қилинган юз нафар тингловчи биринчи босқични муваффақиятли якунлади.

Айни вақтда солиқ ва божхона органлари ходимларининг бошланғич тайёргарлик ҳамда малака ошириш курслари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунга қадар "Солиқлар ва солиққа тортиш" ҳамда "Божхона иши" йўналишлари бўйича бошлангич тайёрлов курсида 350 нафар, малака ошириш курсларида 670 нафар ходим қайта тайёрланди.

Қайта тайёрлаш курсларида такомиллаштирилган ўқув дастурлари асосида таълим бериш жорий этилган. Шу билан бирга академия тингловчиларига Интернет тармоғидан фойдаланиш учун кенг имконият яратилган. Айни кунларда замонавий ахборот технологиялари, жумладан, Интернет тармоқларидан унумли фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини масофадан ўқитиш асосида ташкил этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда шаклланаётган мазкур икки муҳим тизимда етук миллий кадрлар тайёрлаш жараёнида пишиқ-пухта дарслик ва қўлланмаларга бўлган эҳтиёж сезиляпти. Шунинг учун ҳам академия олимлари бу масалага жиддий аҳамият бериб, дарсликлар яратишда ўзларининг билим ва маҳоратларини ишга солмоқда. Академия ўқитувчилари томонидан ёзилган 15 дан ортиқ ўқув методик қўлланма муҳокамадан сўнг чоп этишга тавсия этилди. Шу билан бирга дарс жараёнидаги кўргазмали воситаларга бўлган талабни қондириш мақсадида 320 дан ортиқ слайд тайёрланди.

"Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгилаб берилганидек, тингловчиларга замонавий билим ва ихтисослик малакаларини беришни давр талаблари даражасига кўтариш, уларда эркин фуқаро маънавиятини ўстириш ҳамда миллий истиқлол ғояси ва мустақиллик мафкурасини тингловчилар онгига сингдириш мақсадида академияда доимий равишда турли мавзуларда учрашув ҳамда суҳбатлар ўтказилмоқда.

Айни пайтда солиқ ва божхона тизимини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида академияда сиртқи ўқув шаклини ташкил этиш, бакалавриат ва магистратура босқичлари бўйича кадрлар тайёрлашни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА ЎзА

Tadbir

Бугунги кунда ёшларимиз орасида айрим нохуш ҳодисалар рўй бермоқдаки, уларнинг олдини олиш барчамиздан катта масъулият талаб қилади.

Шу мақсадда Тошкент кимё-технология институти талабалар уйида ўтказилган "Талаба ёшлар ва уларнинг ҳуқуқлари" мавзуидаги учрашув муҳим аҳамият касб этади. Унда Мирзо Улуғбек тумани прокуратураси вакиллари, факультет мураббийлари, ўқитувчи-устозлар ҳамда талабалар иштирок этишди. Институт проректори Б.Алиев талабалар орасидаги долзарб

ТАЛАБА ЖИНОЯТГА ҚЎЛ УРМАСИН!

масалалар хусусида тўхталди. Шундан сўнг, Мирзо Улуғбек тумани прокурори ўринбосари Б.Пўлатов сўзга чиқиб, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик, профилактик чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берди. Унинг фикрича, айрим ёшларнинг лоқайдлиги, гиёҳвандлик ва спиртли ичимликларга ружу қўйиши бу каби салбий ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

"Камолот" ижтимоий ёшлар ҳаракати ташаббуси билан ўтказилган бу тадбир талабаларга керакли хулосани беради.

Сарвар МЎМИНОВ, ТошКТИ 1-курс талабаси

Xorijda ta'lim

КРЕДИТ БАЛЛ ТИЗИМИ

Исроилда олий таълим тизими америкача моделга асосланган ҳолда ташкил этилган. Мазкур мамлакатда ўрта махсус мактабларда болаларга 12 йил давомида таълим берилади. Яъни, болалар 6 ёшдан мактабга қабул қилиниб, 7 йил мобайнида ягона умумий гуруҳда ўқишади. 7-синфдан бошлаб эса, иқтидорли ўқувчилар учун алоҳида махсус гуруҳ ташкил қилинади ва бу ўсмирлар учун ўқув дастури ишлаб чиқилади. Ушбу ўқув режага асосан 5 йил давомида ўқувчилар олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун аниқ белгилаб олинган фанлар асосида мукаммал билим олиш имконига эга бўладилар.

9-синфгача ўқиш бепул бўлиб, 9-синфдан 12-синфгача ўқиш пуллик. Бунинг учун ҳар йили 250 доллар пул тўлаш лозим. Шуни алоҳида айтиш керакки, ушбу маблағларнинг барчаси болалар туристик экскурсияларига ишлатилади.

Олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун абитуриентлар иккита фандан тест усулида имтиҳон топширишади. Психотест ва иккинчиси мутахассислик. Тест жавоблари мустақил комиссияга берилади ва керакли балларни йиғ олган абитуриентларга шартнома асосида ўқиш учун пул тўлашга рухсат берилади. Ўқитувчиларнинг фарзандлари учун таълим олиш бепул.

Исроилдаги олий таълим тизими уч босқични ўз ичига олади. Бакалавриат, магистратура, докторлик ҳимояси. Биз Исроилда энг кучли Хайфа Университети, механизация факультети ўқув дастури билан танишдик. 4 йиллик таълим 8 семестрдан иборат ва шу давр мобайнида ҳар бир талаба диплом олиш учун жами 160 кредит балл йиғиши лозим. Уларда синов ва имтиҳон сўзлари ишлатилмайди, фақат умумлаштирилган кредит атамаси бор.

Кредит тест усулида қабул қилинади ва ҳар бир фанга алоҳида талаба, кредитни топширган деб ҳисобланади. Фанлар учта гуруҳга бўлинади:

Шартли фанлардан — тўрт йил ичида 113,5 кредит балл, қўшимча озод фанлардан — 10 кредит балл ва 160 кредит балл йиғиш лозим. Шуни айтиш лозимки, кредит баллар маърузалар сонига тенг бўлади.

Бир ўқитувчининг умумий йиллик юкламаси — 360 соат. Ҳар ҳафтада бир ўқитувчи ўртача 6 соат дарс ўтади, агар талабалар гуруҳини олсак, ҳафтада ўртача 26 соатга тўғри келади. Дарслар уч хилга бўлинади: маъруза бир ҳафтада 17 соат. Бу битта талабага яъни гуруҳга бир ҳафталик ўқув режадир. Бир семестрда 8 та фан ўтилади ва ҳар биридан кредит топширилади.

Жамиятшунослик фанлари умуман ўтилмайди. Математика учта қисмдан иборат: алгебра — дифференциал ва интеграл тенглаштириш, химия — бир қисмдан, физика — икки қисмдан иборат. Бундан ташқари талабалар чорвачилик, агробиология, агробизнес, электрлаштириш, компьютер техникаси, инглиз тили, мева ва сабзавотчилик фанларини ўтишади.

Имтиҳон топшириш учун иккита муддат эълон қилинади. Масалан, биринчи муддатгача талаба тайёр бўлмаса, биринчи кредитга кирмайди ва иккинчи кредитда иштирок этади. Имтиҳонни топшира олмаган талаба иккинчи маротаба топшириш учун Университет кассасига пул тўлайди. Бир ўқув йилида керакли кредит балларни йиғиб ололмаган талаба кейинги йилда яна бир маротаба пул тўлаб ўқишни давом эттиради. Шуни айтиш керакки, охирги ўқув йилининг йиғиб олган барча кредит баллари бекор қилинади ва талаба ўқув босқичида яна бир маротаба барча фанларни тўлиқ ўқийди. Иккинчи босқичдан бошлаб талабаларга қатнашиш шарт эмас, чунки контракт тўловини қоплаш учун талабалр пул топиш мақсадида ишга киришади. Исроилда иш расмий ва норасмий хилга бўлинади. Агар талаба расман ишга қабул қилинса, унга Исроил давлати қонунлари бўйича бир соат учун 3 доллар 70 цент пул тўланади. Норасмий ишларда унга бир соат учун 1 доллар пул тўланади.

Илмий текшириш институтлари давлат бюджети бўйича фақат 50 фоиз маблағ билан таъминланади. Қолган 50 фоизни олимлар лойиҳа бўйича (бизнинг тилда хўжалик шартномаси) иш топишади. Бунинг учун лойиҳалар Қишлоқ хўжалик вазирлиги илмий бўлимида "Бош илмий ишчи" номига танловида қатнашиш учун юборишади. Бу лавозим вазир ўринбосари даражасига тенг. Ҳар бир илмий ходимда иккита компьютер мавжуд — иш хонада ва ўз уйида. Электрон почта тармоғига уланиш ва ишлатиш Исроил қонунлари бўйича бепул.

Тарғибот ҳақида гапирсак, Исроилда илмий — инновацион фирмалар мавжуд. Улар илмий ходимлар ўртасида воситачи бўлиб, шартнома асосида янги жиҳозларни фермер хўжаликларига тарғибот қилишади. Тарғибот бизнес асосида ривожланаяпти ва ҳар бир илмий ходим бундан қўшимча маблағ олади. Бунинг учун, вазирликнинг рухсатномаси керак эмас, фермер илмий ходимга ишониб, янги жиҳозларни ишлатади. Исроил давлатига ташриф буюрганимизда, биз иқтисодий озодликни ўз кўзимиз билан кўрдик. Бундан ташқари, ҳар ўқитувчига ҳар йил жаҳонда етакчи университетларга бориш ва малака ошириш учун 3 минг доллар ажратилади.

Баҳодир ОТАБОЕВ, Тошкент Давлат Аграр университети доценти

НЕМИС ОСМОНИДА АВИАҲАЛОКАТ

Кеча Германия жанубида "Бошқирдистон ҳаво йўллари" компаниясига қарашли "Ту—154" йўловчи самолёти билан юк ташувчи Боинг—757 самолёти юқори баландликда тўқнашиб кетган.

Би-Би-Сининг хабар беришича, "Домодедово" аэропортидан Барселона—Москва йўналиши бўйича парвоз қилган "Ту-154" бортида 57 нафар йўловчи ва 12 нафар экипаж аъзолари бўлиб, йўловчиларнинг 52 нафарини болалар ташкил этади. Юк ташувчи самолётда эса 2 нафар учувчи бўлган. Ҳозирча қурбонлар сони 71 нафар, дея эълон қилинаётган бўлса-да, лекин бу рақам ортиши мумкин. Фожеанинг аниқ сабаблари ўрганилмоқда.

ПЕНТАГОН МУТАХАССИСЛАР ЮБОРДИ

АҚШнинг Пентагон ташкилоти Урузғон вилояти жанубидаги қишлоқлардан бирида нишонланаётган тўй маросими устига қандай қилиб бомба тушганлигига ойдинлик киритиш учун Афғонистонга махсус текширувчилар гуруҳини юборди. АҚШ ҳукумати камида 30 кишининг ўлимига сабабчи бўлган ўз хатосини тан олган бўлса-да, лекин, афғонлар патрул хизматини ўтаётган самолётга ҳужум уюштирганлар. Ўз навбатида унга жавоб қайтариш вақтида "В-52" бомбардимончи самолёти мўлжал олишда хатоликка йўл қўйган.



ПИНОЧЕТ МАСАЛАСИ ТУГАТИЛДИ

Чили олий суди мамлакат собиқ диктатори Аугусто Пиночетнинг руҳий хасталиги боис, суд жараёнини давом эттиришни тўхтатди. 86 ёшли генералнинг душманлари кўп йиллардан буён уни инсон ҳуқуқларини поймол этишда айблаб келишар эди. Аммо унинг тарафдорлари, Пиночетнинг мамлакатга иқтисодий барқарорлик ҳамда тараққиёт олиб келишда хизматлари катта, деб ҳисоблайдилар. Хуллас, кўп вақтлар Буюк Британия, Испания, Чили суд маҳкамаларида жиноятчи сифатида турган генералнинг ҳозирда руҳан соғлиги яхши бўлмай қолганлиги боис, унинг устидан қўзғалган суд жараёни батамом тўхтатилди.



ЯНГИ ҲУКУМАТНИНГ ИЛК ЙИҒИЛИШИ

Афғонистоннинг янги президенти Ҳамид Карзай яқинда ўз ҳукуматини эълон қилгач, куни кеча биринчи йиғилишни ўтказди. Президент саройида ўтказилган илк йиғинда 33 киши иштирок этиб, улар орасида 2 аёл ҳам бор. Йиғилишни очар экан, Карзай ўз сиёсатининг бош мақсади марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатда барқарорликни қатъий таъминлаш эканлигини айтди. Шунингдек, йиғинда яқинда ўз рафиқасидан айрилган Зоҳир Шоҳ ҳам иштирок этди.

ХИТОЙ ДИПЛОМАТИНИ КИМ ЎЛДИРГАН?

Хитой ташқи ишлар вазирлиги ўтган шанба куни кечқурун Бишкекда отиб ўлдирилган ўз дипломати Вэн Цзянпин ҳамда унинг ҳайдовчиси фожеасини муҳокама этди. Ва Қирғизистон ҳукуматидан дарҳол жиноятчиларни топиб, жазолашни сўради. Ўз навбатида расмий Бишкек қисқа вақт ичида жиноятчиларни ушлашга ваъда берди. Эслатиб ўтамиз, 29 июнь куни "Мерседес" машинасида кетаётган Хитой дипломати ва унинг ҳайдовчиси икки номаълум киши томонидан "Макаров" пистолетидан отиб ўлдирилган эди.

МАҲБУСЛАР ИСЁНИ ТУГАТИЛДИ

Шри-Ланка полициясининг маълум қилишича, Тангалла шаҳрида 400 нафар маҳбуслар томонидан эгаллаб олинган ҳибсхонадаги хавф бартараф этилди. Бир неча назоратчиларни гаровга олган қуролли маҳбуслар 1 суткалик музокарадан сўнг, қуролларини топшириб назоратчиларни озод этдилар. Маҳбуслар мамлакат адлия вазири билан учрашишни ҳамда ўз шароитлари яхшиланишини талаб этмоқдалар. Ҳозирда маҳбусларнинг ҳибсхонани эгаллаб олишлари бўйича 20 киши жавобгар бўлиб турибди.

"ИНТЕРНЕТ"хабарлари асосида Бекзод АҲМАТОВ тайёрланди.

РОНАЛДОГА АТАЛГАН ФИНАЛ

"Агар Германия ғалаба қозонганида футболга ишқибозлик қилишдан воз кечар эдим".

Бу якшанба кунги финалдан сўнг бир мухлиснинг айтган биринчи гапи. Йўқ, 30 июнь куни Бразилия футболни сақлаб қолди. XXI асрда ҳам гўзал ўйин дастурлаштирилган, фақат натижа учун бўладиган ўйиндан устун келди.



XVII жаҳон чемпионати финали Роналдога, ҳа, ўша тўрт йилдан бери ушбу кунни интиқ бўлиб кутган, 1998 йили оғир жароҳат олиб, футболдан икки йилга четлашган, кўпчилик томонидан эрта хазон бўлган, деб ҳисобланган юлдузга аталган эди. Олти ўйинда биттагина гол ўтказиб юборган Германия, аниқроғи, Оливер Кан шу куни ўз дарвозасидан 2 та тўп олиб чиқди. Иккаласини ҳам Роналдо дарвозага йўллади!

Ўйиндан сўнг журналистларга интервью берган бразилияликлар бош мураббийи Луис Фелипе Сколари "Биз ғалабага лойиқ эдик. Бутун турнир давомида, ҳар бир ўйинда футболчиларимиз мақсади бир нуқтада марказлашди: фақат ғалаба ва биз ғолиб чиқдик. Қўллаб-қувватлаганлари учун барча мухлисларимизга ташаккур билдираман, — деди. Руди Фёллер, Германия иккинчи ўринни олганидан қониққанини, бразилияликлар юқори техникаси ва индивидуал маҳорати туфайли устун келганини, улар ҳақиқатан бутун турнир давомида чиройли ўйин намойиш этишганини таъкидлаб, ўз жамоасининг финалгача етиб келишида Оливер Каннинг хизматлари беқиёс эканлигини қайд этди.

РОНАЛДИНЬО "РЕАЛ"ДА ЎЙНАЙДИ

Беш карра жаҳон чемпионлари плеймейкери — 22 ёшли Роналдиньо билан "Реал" раҳбарлари қизиқиб қолишди. "Бу футболчи менга жуда ёқиб қолди", — дейди қироллик клуби президенти Флорентино Перес. — Англияликлар дарвозасига у ғаройиб тўп киритди. Роналдиньонинг ўйини — ҳақиқий спектакль. У бизга тўғри келади. Негаки, "Реал"да доимо ҳақиқий футбол артистлари тўп суришган". Роналдиньо ҳозир Франциянинг "Пари Сен — Жермен" клубига тегишли бўлиб, унинг "Реал"га трансфери ҳозирча 38 миллион евро деб баҳоланмоқда.

ТУРКИЯ КЎЧАЛАРИДА БАЙРАМ

Истамбул кўчаларидан бирига Туркия терма жамоаси бош мураббийи — Шенол Гунеш номи берилди. Иккала кўприкка Ҳасан Шош ва Умид Давала номлари қўйилиши аввалроқ эълон қилинган эди. Шунингдек, Туркиянинг Бурса, Трабзон, Эскишаҳар шаҳарларида XVII жаҳон чемпионати қаҳрамонлари шарафига ёдгорликлар ўрнатилиши маълум қилинди. Туркия меҳнат вазирлиги томонидан терма жамоага 50 миллион доллар миқдорида мукофот ажратилди. Бундан ташқари, Туркияда Шенол Гунеш ва Элхон Мансизга монумент ўрнатилиб, бир қатор футболчиларнинг номлари ўзлари туғилган шаҳарлардаги кўчаларга бериладиган бўлди.



КАН МАҒЛУБИЯТИНИ СЕЗГАН ЭДИ

Германия терма жамоаси сардори финалда ютқазишларини ушбу ўйинга Пьерлуиджи Коллина бош ҳакам этиб тайинланганини эшитганида сезганлигини айтган. "1999 йилги Чемпионлар лигаси финалида Коллина ҳакамлик қилган ва менинг "Бавария"м фантастик равишда "Манчестер Юнайтед"га ютқазган эди. Жаҳон чемпионати саралаш турнирида Германия—Англия ўйинини ҳам у бошқарган ва биз 1:5 ҳисобида шармандали мағлубиятга учраган эдик. Финални у бошқаришини эшитибоқ, ўйин биз учун яхшилик билан тугамаслигини ҳис қилдим", — дейди жаҳоннинг энг яхши дарвозабони.

ЖЧ—2002 ТЎПУРАРЛАРИ

8 — Роналдо (Бразилия).

5 — Ривалдо (Бразилия), Мирослав Клозе (Германия).

4 — Йон Даль Томассон (Дания), Кристиан Вьери (Италия).

3 — Марк Вильмотс (Бельгия), Педру Паулета (Португалия), Пап Буба Диоп (Сенегал), Элхон Мансиз (Туркия), Робби Кин (Ирландия), Михаэль Баллак (Германия), Фернандо Морьентес ва Раул Гонсалес (ҳар иккови—Испания), Хенрик Ларссон (Швеция).

РИВАЛДО: "РОНАЛДО — МЕНИНГ ДЎСТИМ"

— Финалдаги ҳар икки ғол сизнинг бевосита иштирокингизда киритилди: дастлаб Кан ушлаб қололмаган тўпга биринчи бўлиб Роналдо етиб келди. Кейин сиз узатилган тўпни усталик билан шеригингизга ўтказиб юбордингиз...

— Шундай улкан ғалабага эришилгандан сўнг ким гол ургани, ким унга тўп ошириб бергани, ким бор кучини аямай ҳимояда турганининг мутлақо аҳамияти йўқ. Бу кун Роналдо ёки Ривалдо эмас, бутун Бразилия байрам қиладиган кундир.

— Барибир ушбу чемпионатдан сўнг мақтовлару мукофотлар сизга эмас, Роналдога кўпроқ бўлади. Бундан озгина бўлса ҳам афсусланмайсизми?

— Роналдо — менинг дўстим. У мақтовларга лойиқ ўйнади. Унинг муваффақиятидан чин дилдан қувонаман.

— Сиз ўз фаолиятингизни порлоқ деб ҳисоблайсизми?

— Асло. Ҳар бир футболчи сингари мен учун ҳам қийин даврлар бўлган. Атланта олимпиадасидан сўнг менга муваффақиятсизликнинг ягона сабабчиси сифатида қарашди. Бир йил мобайнида Загало мени термага чақирмади. Ушбу чемпионат олдидан ҳам ҳеч ким менга командадаги ўрнимни кафолатламаган эди. Кўпчилик таркибга киришимга шубҳа билан қарарди. Бироқ Роналдони "йиқитган" жароҳатлар менга "ёпиша олмади".

— Буни нима билан изоҳлайсиз?

— Мен ичмайман, чекмайман ва машғулотларда кўп тер тўкаман.

— Бундай сўзларни бошқа кўплаб футболчиларнинг ҳам оғзидан эшитишимиз мумкин...

— Демак, менинг омадим бор экан.

— Финал ўйинидан олдин сиз Германия бўладими, Коста-Рика бўладими, ҳар қандай рақибга ҳурмат билан қарашингизни айтган эдингиз...

— Айнан шунинг учун биз бугун Олтин кубокни қўлга киритдик. Гап Кан хатога йўл қўйганида эмас. Ўйинда рақибдан ҳар жабҳада устунлик қилдик.

— Сизнингча, "Темир" Оливер нега бундай ўйнади?

— Чунки у ҳам сизу биздай одам. Ҳамма хато қилиши мумкин. Буни футбол деб қўйибдилар. Доим керак эмас жойда хато қилиб қўйдим деб ўйлайсан.

— Майдонга тушишдан аввал тўрт йил олдинги финал ўйинини эсладингизми?

— Биз хатоларимизни такрорламадик. Бутун турнир давомида бизга муваффақият келтирган ўйинимиздан чекинмадик. Францияда олинган сабоқ бизга фойда берди.

— Ғалабангизни кимга бағишладингиз?

— Отамга. 17 яшарлигимда у вафот этган. Барча муваффақиятларимни унга бағишлайман.

— Ушбу жаҳон чемпионати сиз учун охиргиси эканлиги ҳақида эълон қилгансиз. Бугунги муваффақиятдан сўнг қайта ўйлаб кўрмайсизми?

— Аксинча. ЖЧдаги қатнашувимни мен бугун бутун умр орзу қилганимдек якунламоқдаман. 49 ёшгача футбол ўйнаш ниятим йўқ. Иккиуч йил ўйнайман-да, кейин оилам билан тинчгина яшайман.

— Қачондир фаолиятингизни Япония майдонларида тугатишни хоҳлашингиз ҳақида айтган эдингиз...

— Омон бўлсак кўрамиз. Ҳарҳолда ушбу жаҳон чемпионатидан сўнг кунчиқар мамлакатни севмасликка ҳеч қандай асосим йўқ...

ЖЧ — 2002

РАҚАМЛАР СЎЙЛАЙДИ

Ушбу ЖЧ да 1974 йилдан буён узгармай келаётган яна бир "анъана" бузилди. Шундан буён чемпионатлар тўпурарларига олтитадан кўп тўп киритиш насиб этмаган эди. Мазкур мундиалда Роналдо рақиблари дарвозасини 8 марта ишғол қилиб, бу борадаги кўрсаткични ҳам янгилаб қўйди.

* * *

ЖЧ—2002 да ўтган чемпионатдан дарвозаларга киритилган голлар сони ҳам "ўсган". Яъни, агар Францияда ўтказилган мундиалда дарвозаларга жами 151 та гол киритилган бўлса, мазкур чемпионатда дарвозабонлар ўз дарвозасидан 161 бор тўп олиб чиқдилар. Бу эса ҳар бир ўйинга ўртача 2,51 тадан гол тўғри келади, деганидир.

* * *

Жанубий Корея ва Япония яшил майдонларида бўлиб ўтган мусобақада иккита "хет-трик" қайд этилган. Дастлабки турдаёқ германиялик Мирослав Клозе Саудия Арабистони термаси дарвозасини уч бор нишонга олган бўлса, иккинчи "хет-трик" португалиялик Педру Паулета номига ёзиб қўйиладиган бўлди.

* * *

Шу кунга қадар ўтказилган жаҳон чемпионатларида дарвозаларга киритилган тўпларнинг сони 2000 тага яқинлашиб қолди. ЖЧ—2002 да 1900-юбилей гол италиялик ҳужумчи Кристиан Вьери томонидан Жанубий Корея терма жамоаси билан ўтказилган нимчорак финал ўйинида киритилди.

* * *

Жаҳон чемпионатларининг ўтказилган етмиш икки йиллик тарихида бўлмаган яна бир эътиборли жиҳат — мазкур мундиалда рақиб дарвозасига энг тез гол киритилишидир. 3-ўрин учун кечган баҳсда Жанубий Корея терма жамоаси дарвозасига 11-секунддаёқ киритилган гол нафақат туркиялик ҳужумчи Хоқон Шукур номини тарих саҳифасига муҳрлади, балки ушбу гол Шенол Гунеш шогирдларининг учинчи ўринни эгаллашларини таъминлади.

* * *

Ирландия терма жамоаси ҳужумчиси Робби Кин икки марта ютқазаётган жамоаси кайфиятида умид учқунларини алангалатиб юборди. Яъни, у Германия термаси дарвозасига асосий вақтнинг сўнгги дақиқасида тўп киритиб, жамоасининг гуруҳ босқичидан чиқишини таъминлаган бўлса, нимчорак финал ўйинида ҳам сўнгги дақиқаларда Испания дарвозасига ўн бир метрли жаримадан тўп киритди. Аммо бу гол ирландияликларни барибир чорак финалга "етаклай" олмади.

* * *

ЖЧ—2002 гуруҳ ўйинларидаги Германия—Камерун учрашуви ҳам тарихга кирадиган бўлди. Ушбу ўйинда бош ҳакам Лопес-Ньето ўн олти футболчига сариқ карточка кўрсатиб, иккитасини ўйин тугамасданоқ "томошабинлар сафига" қўшиб қўйди.

* * *

Роналдо ЖЧ финал турнирларида 14 ўйинда 12 тўп киритиб, Пелега тенглашиб олди. Бу борадаги рекорд эса германиялик Герхард Мюллерга тегишли — 13 ўйинда 14 гол. 2006 йили 30 ёшга тўладиган Роналдо унинг рекордини янгилаш имкониятига эга.

* * *

ЖЧ—2002 ўйинларини 2 млн 705 минг 197 нафар мухлис бевосита стадионларда томоша қилди. Ҳар ўйинда ўртача 42269 тадан. 1998 йили Францияда бу кўрсаткич ўртача 43366 таданни ташкил қилган эди.

* * *

XVII Жаҳон чемпионатида 1:0 ҳисоби энг кўп — 15 марта қайд қилинди. Чемпионатда жами 15 хил ҳисоб қайд этилиб, улар қуйидаги миқдорни ташкил қилди: 1:1— 10 марта, 2:0 — 10 марта, 2:1 — 8 марта, 3:1 — 4 марта, 3:2 — 4 марта, 0:0 — 3 марта, 3:0 — 3 марта, 2:2 — 2 марта, 4:0 — 2 марта, 3:3 — 1 марта, 5:2 — 1 марта, 8:0 — 1 марта.

32 терма жамоа якунда натижаларга кўра қуйидаги ўринларни эгаллади:

1.Бразилия 2.Германия 3.Туркия 4.Корея 5.Испания 6.Англия 7.Сенегал 8.АҚШ 9.Япония 10.Дания 11.Мексика 12.Ирландия 13.Швеция 14.Бельгия 15.Италия 16.Парагвай 17.ЖАР 18.Аргентина 19.Коста-Рика 20.Камерун 21.Португалия 22.Россия 23.Хорватия 24.Уругвай 25.Эквадор 26.Польша 27.Нигерия 28.Франция 29.Тунис 30.Словения 31.Хитой 32.Саудия А.

РАМЗИЙ ТЕРМА ЖАМОА

ФИФА ЖЧ—2002 нинг рамзий терма жамоасини эълон қилди.

Дарвозабонлар: *Оливер Кан (Германия), Рушту Режбер (Туркия)*

Ҳимоячилар: *Роберто Карлос (Бразилия), Сол Кэмпбелл (Англия), Фернандо Йерро (Испания), Хон Мюн Бо (Корея), Алпай Ўзолан (Туркия)*

Ярим ҳимоячилар: *Михаэль Баллак (Германия), Клаудио Рейна (АҚШ), Ривалдо (Бразилия), Роналдиньо (Бразилия), Ю Сан Чу (Корея)*

Ҳужумчилар: *Роналдо (Бразилия), Эл Ҳожи Диуф (Сенегал), Ҳасан Шош (Туркия), Мирослав Клозе (Германия)*

ЁШ ФАЗОГИРЛАР МУСОБАҚАСИ

Ҳар йили ўқувчиларнинг ёзги таътилларини мазмунли ўтказиш, уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш мақсадида, мактабларимиз қошида ҳам ёзги дам олиш оромгоҳлари ташкил этилади.

Ана шундай оромгоҳлар Юнусобод туманидаги 12, 97, 259-мактаблар қошида ҳам ташкил этилган бўлиб, бу масканлар яратилган шароит жиҳатидан махсус оромгоҳлардан ҳеч ким қолишмайди. Бу масканларда болаларнинг дам олишлари мароқли ўтиши учун турли тадбирлар, кўриклар, тўгарак ишлари йўлга қўйилган.

Яқинда 97-мактаб қошидаги ёзги оромгоҳда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, қўшимча техник таълим маркази раҳбарлигида "Шаҳарнинг ёш фазогирлари" мусобақаси ўтказилди.

Оромгоҳ болалари иштирокидаги концерт дастури билан бошланган тадбирда Бектемир, Сирғали, Чилонзор, Юнусобод, Шайхонтоҳур туманлари вакиллари ўзаро беллашдилар.

Ғолиблар Юнусобод туман "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган совғалар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Асосий мақсади "Ёш фазогирлар"ни шу соҳага қизиқтириб бориш, ҳарбий хизматга тайёрлашдан иборат бўлган мазкур мусобақа болаларда катта таассурот қолдирди, улар келажакда буюк фазогирлар бўлиб, мовий осмонни забт этишни ният қилдилар.

Раъно АСҚАРОВА

АҢЪАНАГА АЙЛАНАДИ

Самарқанд шаҳар маиший хизмат коллежида "Қарияларни қадрлаш йили" ҳамда "Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш" кунига бағишлаб гуруҳлараро спортнинг стол тенниси, шахмат, мини футбол турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

Қизиқарли ва шиддатли кечган баҳсларда стол тенниси биринчилигида ўсмирлар ўртасида 105-гуруҳ талабаси Дилшод Аълоқулиев ғолиб чиқди.

Қизлар ўртасида 108-гуруҳ ўқувчиси Азиза Ҳабибова барча тенгқурларини енгиб, биринчи ўринни эгаллади.

Шахмат мусобақасида эса 105-гуруҳ ўқувчиси Шероз Зайниев 7 очко жамғариб, биринчилик ғолиби бўлди.

Қизлар ўртасида 102-гуруҳ талабаси Гули Норматова 5 очко жам-ғариб, тенгқурларига нисбатан кучли эканлигини намойиш этди.

Мини футбол мусобақасида 105-гуруҳ талабалари ҳал қилувчи финалда 107-гуруҳ жамоаси билан учрашиб, 4:3 ҳисобида зафар қучдилар.

Барча спорт турлари бўйича ғолиб ва совриндор жамоаларга, талабаларга ўқув маъмурияти томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари ва мақтов ёрлиқлари топширилди.

Барча талабаларда яхши таассурот қолдирган бундай мусобақалар, энди ҳар ўқув йили якунланиши арафасида анъанавий ўтказилиб, қўшни коллеж талабаларини ҳам таклиф этиш режалаштирилди.

М.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино беҳи меваси овқат ҳазм бўлиш жараёни бузилиши ва юз териси рангини яхшилаш учун қўллаган.

Жон ва танимни. ЖОН ВАТАНИМни. Ана шу жон ва тан жойлашган жойда ватан бўлади. ЖОН ВАТАН бўлади...

КЕҲИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

Сафар энди бирор нарса ўйлашни ҳам, ўйламасликни ҳам билмас, қулоқларига кираётган гапларга ишонгиси келмай, эшитиб ётаверарди.

— Мисоллар келтирай,— давом этарди ғойибона суҳбатдош.— Бир минг тўққиз юзинчи йили Америкага қарашли "Инсургент" кемаси уч юз қирқ пассажири билан йўқолган. Бир минг тўққиз юз олтмиш учинчи йили узунлиги бир юз йигирма метрли "Мэрин Сапфор Куин" номли ғоят катта кема ва уч юз тўққиз пассажири бўлган ўн тўққиз минг тоннали "Сейхлос" кемаси, минг тўққиз юз етмишинчи йил апрелида "Мильтон" юк кемаси, минг тўққиз юз етмиш учинчи йили "Анита" транспорт кемаси ном-нишонсиз йўқолди. Бир минг тўққиз юз олтмиш саккизинчи йили Американинг "Чаён" номли сув ости кемаси тўқсон тўққиз кишилик командаси билан ғарқ бўлди...

Сафарнинг кўзи тиниб, боши айланиб кетаёзди.

— Демак, мен ҳам ҳалок бўлган эканман-да?

Сафар буни кўнглидан ўтказдими, ё овоз чиқариб айтдими, ўзи ҳам англамай қолди. Назарида, овозидан бутун хона жаранглаб кетгандай туюлди.

— Тинчланинг. Ҳали унчалик эмас. Энди ўлмасангиз керак.

Унинг таажжуби баттар ортиб, ҳеч нарса тушунмай, ридоли кишининг юзига, кўзларига тикилди. Мен билан гаплашаётган шунинг ўзимикан ё бошқами, хаёлидан ўтказди у.

— Бошқа, — яна овоз келди ғойибдан. — У фақат ижрочи. Сизнинг ўлиб қолмаслигингиз учун масъул шахс, холос.

Сафар бошқа ҳеч нарса ўйламаслик учун кўзларини чирт юмиб олди. Аммо ғойибона суҳбатдошининг овози ҳамон қулоғи остида жаранглари:

— Ҳалиги саволингизга энди жавоб бераман. Харитага яхшироқ бир назар ташласангиз, бизнинг учбурчагимиз координатлари билан сизнинг қишлоғингиз координатларининг буткул мос тушишига ишонч ҳосил қиласиз. Фақат фарқи шундаки, бизнинг учбурчагимиз ғарбий ярим шарда жойлашган бўлиб, "Ўлим учбурчаги" номини олган бўлса, сизники шарқий ярим шарда жойлашган бўлиб, "ҳаёт учбурчаги" маъносини англатади.

— Наҳотки?

— Ўз қишлоғингиз номи қандай келиб чиққанлигини билмайсизми ҳали? Сизни қаранг-у. Бўлмасам, эшитинг. Ривоят қилишларича, Оллоҳ жаннатга раҳмат ёмғирини ёғдириб бўлгач, бундай қараса, идишнинг тубида ўша суюқликдан озгина қолган экан. У идишини бир силтаб, катта бир томчини бутун ўлкангиз, Туронзамон устига сачратиб юборибди. Шу сабабли бу ўлкага Искандару Дородан тортиб, Чингизхонгача талабгор бўлган экан. Бироз фурсат ўтиб, идиш деворларида илашиб қолган намликдан ҳосил бўлган иккинчи, кичикроқ томчини Самарқанд устига ташлабди. Бу шаҳарни Темур пойтахт қилгани бежиз эмас-да, ахир. Яна пича вақт ўтгач, Оллоҳ идишининг тубида қолган сўнгги, энг кичик томчини ташлаб юборган экан, у сизнинг қишлоғингиз устига келиб тушибди. Шундан се-чак, учинчи томчи сўзи ҳосил бўлган, кейинчалик у Сочак сўзига айланган...

Сафар бирор нарса дейиш тугул, ўйлашни ҳам, ўйламасликни ҳам билмай қолди. Ўзи туғилиб ўсган ер ҳақидаги ана шу қисқагина, ҳеч қандай жозибаси бўлмаган, аммо юраккa жиз этиб тегувчи, ҳар қандай жонбахш қўшиқдан ҳам ёқимлироқ бу ҳикоятни ҳали ҳеч кимдан эшитмаганди. Унинг қалбида нотаниш суҳбатдошига нисбатан миннатдорчилик туйғуси уфурди. Ҳалиги, қўшиқ эшитгандаги "Вой-эй"лаб юборганига ўхшаб "Оҳ" деб юборгиси, ўрнидан сакраб туриб, мана шу ярим ялангоч ҳолида дунё шари оша қишлоғига қараб пиёда югургиси, унга етиб бориши билан ўзини ерга таппа ташлаб, тупроғини тўйиб-тўйиб ўпгиси, кўзларига, юзларига, бутун баданига суртгиси келиб, юраклари ҳаприқиб, кўзларидан ёш чиқиб кетаёзди. Ҳаприққан юракдан ўз-ўзидан қўшиқ чиқа бошлади. Аммо бу қўшиқда сўзу мисра, қофия-ю радиф, оҳанг-у мусиқа, умуман, ашулага қўйиладиган талабларнинг бирортаси ҳам етишмас, фақат "Оллоҳнинг назари тушган қишлоғим", "Эй раҳмат томчиси томган қишлоғим" каби жумлалардангина иборат хиргойи эди.

Назарида ғойибона суҳбатдош буни беғубор жилмайиш билан кузатиб: "Ана шунақа гаплар. Шундай экан, осонликча сизни йўқ қилиб бўладими, ахир", деяётгандай эди.

Ридоли киши бўлса оғиз бандини кўкрагига осилтиргани ҳолда унинг пешонасига қўлини қўйди. Сўнг оёқ учи томонидаги ойнаванд шкафни очиб, ундан бир чимдим пахта олди-да, киприкларида ҳосил бўлган кўз ёш томчисини шимдириб олди. Кейин бурчакдаги стол устида турган аллақандай идишдан пиёлага сув қуйди, устига қандайдир суюқликдан бир неча томчи томизиб, Сафарнинг бошини кўтариб, лабларига тутар экан:

— Тинчланинг, — деди. — Сизга ҳаяжонланиш мумкин эмас. Мана шуни ичиб юборинг. Энди ҳамма хавф ортда қолди. Бирор ҳафта сабр қилсангиз, соғайиб, уйингизга кетасиз.

—Соғайиб?

Сафар оғзига тутилган тахирроқ суюқликни зўрма-зўраки ютиб юборди. У ўз бошини тутиб турган қўлнинг илиқ ҳароратини туйди. Юзларига эса бу қўл эгасининг янада ёқимлироқ нафаси урилди. Унинг ҳуши бироз ўзига келгандай бўлиб, кўзларини очди. Боши устида энгашиб турган кишининг сочи елкасидан қирқилган жувон эканлигини англади. Унинг эгнидаги Сафарнинг кўзига ридо бўлиб кўринган оппоқ ёпинчиқ эса оддийгина халат эканлигини кўрди. Ва шундагина ўзининг "ўлиб қолмаслиги учун масъул бу шахс" ҳамшира эканлигини билиб, ўзининг қаерда ётганлигини англагандай бўлди. Бироқ, боягина сузиб юргани, аллақандай деворга бориб урилган қайиқ, қандайдир "Бермурд учбурчаги" ҳақида гапирган ғойибона товушнинг қаердан келгани-ю, яна қаёққа ғойиб бўлганлигини ҳеч тушуна олмади. Ҳаммасидан ҳам қўшиқни, соч толаларидан тортиб тирноғининг учигача жимирлатиб юборган ўша қўшиқнинг қаердан эшитилганлигини ҳеч англай олмади. Балки буларнинг барчаси рўёдир. Бундай деса, қўшиқнинг сўзлари ҳам, мусиқаси ҳам ҳамон қулоғи остида жаранглаб турибди-ку. Энди ҳеч нарсани ўйламасликка тиришиб, кўзларини чирт юмиб олди. Кўз олдида яна ўша бепоён денгиз, сув бетига яккам-дуккам сакраб чиқиб келаётган ўша ўйноқи балиқлар, уларни овлашга ошиқаётган чағалай қушлар намоён бўлди. Шу денгиз бағрида ўзи сузиб юрган қайиқнинг қандай кўринишда эканлигини эслашга уринди-ю, унинг зирҳли қопқоғидан бўлак ҳеч нарсани тасаввурида тиклай олмай, яна кўзини очди.

Зирҳли ойнаванд қопқоқ, ўша зирҳли ойнаванд қопқоқ ҳамон унинг кўз олдида турар; фақат энди унинг юзасида аллақандай айқаш-уйқаш чизиқлар пайдо бўлган эди. Бу чизиқлар тобора тиниқлашиб, ихчамлашиб, ойнаванд қопқоқ юзасида кесишиб ўтган чизиқлар деразага, оддийгина деразага айланиб қолганини фарқлай билди. Дераза ортидаги дарахт шохида ўтирган бир жуфт каптарми, мусичами, ғув-ғувлашар, янаям нарироқда бошқа қушлар гоҳ тўш уриб пастга шўнғиб, гоҳ баландга кўтарилиб, ҳавода чарх уриб ўйнарди.

Сафарнинг кўзи дераза роминнинг энг пастки кўзида ёпиштирилган бир парча қоғозга тушди. Унда уқувсиз қўл билан нималарнингдир сурати чизилган эди. Азбаройи бекорчиликдан бу суратдан кўзини узмай, унга тикилганича ётаверди. Аммо тикилгани билан ҳеч нарсани фарқлай олмади. Тикилавериб, тикилавериб, кўзлари тобора тиниқлашиб, унда автомашиналарнинг номерларидай катталикда қандайдир ҳарфлар ёзилганлигини англади. Сафар тикилиб ётавериб, ҳарфларнинг биринчиси "Т" эканлигини ажратиб ола билди. Кўнгли ниманидир сезгандай бўлиб, яна тикилавериб, тикилавериб, иккинчи, "С" ҳарфини ҳам яққол кўрди-ю, учинчисининг "В" эканлигига ўз-ўзидан ақли етиб, ўша қўшиқдан "Вой-эй"лаб юборгани каби "Т.С.В.Т.С.В., балогинангни олай, Т.С.В." дея шивирлади.

Шу ерда ҳам мени топиб келдиларинг-а. Раҳмат сенларга, ўйлади у. Ва шунда ноғоҳ кўнглидан, "Ҳа-а, шумтакалар, ҳалиги учбурчак ҳақидаги, уч томчи ҳақидаги ақидалар сенлардан чиққан бўлмасин тағин", деган фикр ўтди. Аммо ўзининг мана шу ҳолатида бўлиб, ўша суҳбатни уларга қандай боғлашни сира тасаввурига сиғдира олмасди. Нима бўлганда ҳам, Т.С.В, унинг Т.С.В. си ёнида. Шунинг ўзи катта гап, шунинг ўзи, ҳалиги ғойибона суҳбатдош айтганидай, "Ҳаёт учбурчаги". Ахир, унинг ўзи ҳам Т.С.В.нинг бир бўлаги-ку. У қаерда бўлмасин, Т.С.В.си албатта топиб олади. Ана у "ажал учбурчаги" эканку, керак бўлса, қабр оғзидан ҳам қайтариб олади. Жоним билан танимни ҳеч кимга беришмайди. Жон ва танимни. ЖОН ВАТАНИМни. Ана шу жон ва тан жойлашган жойда ватан бўлади. ЖОН ВАТАН бўлади...

Ўзининг фикридан ўзи таъсирланиб кетаёзган Сафарнинг кўзларидан ёш чиқиб кетаёзди.

Эшикнинг оҳиста ғийқиллаб очилгани унинг хаёлини бўлди. У бош томонида кимнингдир пайдо бўлганини сезди. У дабдурустдан ён томонига ўгирилиб, кириб келаётган кишининг қайиқдаги ўша сийраксоқол чол эканлигини кўриб, ажабланди. Демак, денгиздаги саёҳат ҳам, ғойибона суҳбат ҳам рўё эмас экан-да, хаёлидан ўтди унинг. Аммо уларнинг ҳеч бирини бир-бирига улай олмай, баттар ҳайрати ортиб, чолга ажабланиб қаради.

— Ҳа, полвон, — деди чол унга меҳрибонлик билан қарар экан.— Тузалиб қолдиларми?

У энгашиб, қўлини Сафарнинг пешонасига қўйди.

— Ҳа-а, ана. Иссиғинг анча тушибди, — дабдурустдан сенсирай бошлади чол. — Энди қўрқма, ўлмайсан. Сени осонликча қўйиб юборадиган ахмоқ йўқ. Ана уларинг келишган. Чақирайми?—деди у Сафарнинг деразадаги ёзувга тикилаётганини пайқаб.

Сафар розилик аломатида бош чайқаб, кўзларини оҳиста юмиб очди.

Чол эшикни очиб, ташқарига чиқмай

— Абдурайим, қаёққа кетдинг? Бор, ана у акаларингни чақир, — деди.

Ташқарида ёш боланинг полни гурсиллатиб югуриб кетгани эшитилди.

Сафар ўзида бирмунча куч пайдо бўлаётганини сезиб, ўзи ётган хонани синчиклаб кузата бошлади. Оппоқ деворга зич қўйилган, чала-чулпа йиғиштирилган сим каравот, ёнида тумбочка, бериги девор томонда яна битта каравот, буниси энди дид билан тахланган. Унинг ҳам ёнида тумбочка. Тумбочкада чойнак, пиёла, коса, қошиқ ва ҳоказо.

... Ва яна, довул пайтидагидек, минглаб ғала-ғовур товушлар орасидан интиқ бўлиб илиб олганига ўхшаш куй узоқдан қулоққа чалинди. Ҳузурбахш қўшиқ уни мастона тебрата бошлади.

Кўнглим олғоч ул пари
мажнуни шайдо қилдило,
Ақлу ҳушимни жунун
даштида яғмо қилдило.
Ўзгага зулму таадилар билан
қоним тўкар
Турфа эрди, турфа ишлар
доғи пайдо қилдило.
Ташқарида қадам товушлари эшитилгандай бўлдию, яна тинди.
Ҳурмату тавқий тутар эрди,
вале маст отланиб,
Бошима чопмоқ билан
оламга расво қилдило.
Оҳ ким чекдим кўриб,
жавлонини беихтиёр,
Ёшурин ишқим улуска
ошкоро қилдило.

Қўшиқ, гўё ҳаммани элитгандай, жим-житлик ҳукм сурар, ҳатто ташқаридаги қушлар ҳам учмас, ўрик шохидаги бир жуфт қуш ҳам ғу-ғуламай туришарди.

Беҳуд ўлғоч, зулфи зуннорига дин нақдин бериб,
Ишқ бозорида кўнглим
турфа савдо қилдило.

(Давоми бор)

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Илҳом АҲМЕДОВ

СЕҒОҲ

(қисса)

Хуллас...

ИККИ БАРАВАР ЙЎЛ ҲАҚИ

"Агар семиз бўлсанг, икки баравар йўл ҳақи тўла!".

Америкадаги авиакомпания — "Саут-уэст эйрлайнз" ортиқча вазнли кишиларга шундай тартибни жорий қилди. Бунинг зарурати нимада, дерсиз?

11 февраль воқеаларидан сўнг катта молиявий зарар кўрган авиакомпания шундай йўл тутишга мажбур бўлган кўринади, деб хабар беради "Новости" агентлиги. Албатта, бир кишининг икки баравар йўл ҳақи тўлашида малоллик туғилади. "Лекин бундан бошқа чорамиз йўқ, зарарни қоплашимиз керак" дейишмоқда авиакомпания раҳбарлари.

Америкада, шундай қилиб, янги муаммо пайдо бўлди: бир баравар йўл ҳақи тўлаш учун семизларнинг ёппасига озиш ҳаракатида. Қизиқ парадокс, аслида бу бошқа бир муаммонинг ечимига "калит" эди.

МАТОМИСАН, МАТО

Пахтадан тўқилган газламалар таннинг роҳати, арзон ва безиён. Аммо синтетик тоалалардан тўқилаётган матоларнинг ҳам харидори бор. Ҳали бунақа матони кўрмагансиз. Чунки у эндигина тажриба-синовдан ўтди. Қаерда дейсизми? Австралияда.

Тиниб-тинчимас, қилни қирқ ёрадиган олимлар ўйлаб топган бу газлама ҳозирча номсиз. Лекин унга "нафас олувчи ва қўнғироқ қилувчи" деб ном бериш мақсадга мувофиқ бўларди.

Янги газлама тури махсус микроузатгичга эга. Йилнинг совуқ ойларида микроузатгич орқали матога, сўнгра танага иссиқлик югуради. Аксинча, исиб кетганда, матони "совутиш" имконияти ҳам бор. Бир сўз билан айтганда, ихтиро қилинган мато "нафас" олади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Газламага микроскоп кўринишидаги уяли телефон ва плейер ҳам ўрнатиш мумкин экан.

Мўъжизакор газламаларини реклама қилаётган австралиялик тадбиркор олимлар унинг харидоргир бўлишига катта умид қилишмоқда. Аммо ҳеч қандай табиий хусусиятга эга бўлмаган газлама улар ўйлаганидек, бозори чаққон бўлармикин?

ЎН ЙИЛЛИК ҚАРЗ

Одатда одам одамдан пул қарз олади. Банкдан олинган кредит ҳам қарзнинг бир тури. Кимдандир яхшилик, ёрдам кўрган киши ҳам ўзини қарздор ҳисоблаб юради.

Биз айтмоқчи бўлган қарз эса бошқачароқ. Бундан ўн йил муқаддам Ижевск шаҳридаги Некрасов номли кутубхонадан ёш йигит иккита қимматбаҳо китобни олиб кетган эди. Бу йиллар орасида у армия хизматини ўтаган, олий маълумот эгаллаган, оила қурган, китобни топшириш эса хаёлига ҳам келмаган. Боқибеғамликни қаранг...

Кутубхона ходимларининг сабр-тоқатига ҳам балли. Афтидан, ўша йигитча олиб кетган ва шунча йил ўтиб қайтарган китобларга бошқаларнинг эҳтиёжи бўлмаган.

"Бунақаси биринчи бўлиши. Ўз қарзини унутмаган бундай олижаноб китобхонларни тақдирлашимиз керак", дейди кутубхона мудири Галина Бажутина.

Балки унинг гапи тўғридир, балки...

ana shunaqa gaplar

ЭЛГУЗОН

Футбол ўйини йирик ҳисобда тугади. Мағлубиятга учраган жамоа сардори ҳакамнинг олдига келиб, унга қўл узатди:

— Бу жуда ажойиб ўйин бўлди!

— Сиз шундай ҳисоблайсизми? — ҳайрон бўлиб сўради ҳакам.

— Бўлганда қандоқ! Фақат уни кўрмаганингизга ачинаман.

***

Филлар тўдаси қуюқ ўрмон оралаб кезиб юрар, улардан бири эса тинимсиз равишда ғиғилларди. Бу ғиғиллаш йўлбошчи филнинг жонига тегди ва хартуми билан уни урди:

— Ҳой, қанақа филсан ўзи, ғинғиллайвериб, жонга тегиб кетдинг-ку.

— Мен ... мен... пашшадан ясалган филман-да.

***

Темирйўл перронида маст бир йигит қотиб-қотиб, думалаб-думалаб куляпти. "Тез ёрдам" чақиришди. Йигит уларга тушунтирмоқда:

— Мени армияга кузатгани эллик киши чиққан эди, улар армияга кетишди, мен эса қолдим...

ТАБИАТНИНГ БЕБАҲО НЕЪМАТИ

Ўлкамиз ҳудуди доривор ўсимликлар, мевали ва мевасиз дарахтлар ҳамда полиз маҳсулотларига ниҳоятда бой. Республикамизнинг суғориладиган ерлари, тоғ ён бағирлари, қирадирлари ва чўлларида уларнинг 4000 дан ортиқ турини учратиш мумкинлиги шу соҳа мутахассислари томонидан қайд қилинган.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўсимликлардан тайёрланган дори-дармонлар кимёвий синтез йўли билан олинган препаратлардан фарқли равишда, инсон организми учун зарарли бўлган ножўя таъсирларни чақирмайди ёки уларнинг бу таъсири ниҳоятда кам даражада.

Хусусан, беҳининг халқ табобатида қадимдан маълум бўлган шифобахш жиҳатлари сероб. Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино беҳи меваси овқат ҳазм бўлиш жараёни бузилиши ва юз териси рангини яхшилаш учун қўллаган. У беҳи меваси шарбатини асал ва сирка кислотаси эритмаси билан аралаштирган ҳолда иштаҳани очиш ва ошқозон ҳамда жигар фаолиятини кучайтириш учун тавсия қилган.

Шунингдек, беҳи меваси таркибида анчагина темир моддаси бўлганлиги сабабли, у организмда темир танқислиги туфайли келиб чиққан камқонлик, яъни гипохром анемияни даволашда ҳам ишлатилади.

унинг мева уруғининг қайнатмаси эса меъда-ичак йўли хасталикларида, ич кетишида, қон туфлашда, бачадон ва бошқа ички аъзолардан қон кетганида даво сифатида ишлатилади. Шунингдек, беҳи меваси таркибида анчагина темир моддаси бўлганлиги сабабли, у организмда темир танқислиги туфайли келиб чиққан камқонлик, яъни гипохром анемияни даволашда ҳам ишлатилади.

Д.ТЕШАБОЕВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
Ж.СИДДИҚОВ,
биология фанлари номзоди, доцент

199О йили Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 3-ўрта мактаб томонидан **Рахиева Гульбахор Абдусаттаровна** номига берилган А № 085812 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

1997 йили Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 127-мактаб томонидан **Кулахмедова Наргиза Низамиддиновна** номига берилган О'R — А № 031888 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази ўқув адабиётлар нашрини режалаштириш нашр ва таъминот бўлимининг бош мутахассиси Кўчаров Тўлқин Ўраловичга отаси

КЎЧАРОВ Ўрол отанинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги ЎМКХТ Маркази "Кадрлар танлаш, тайёрлаш ва ташқи алоқалар" бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Шухрат Алламуродовга укаси

Ғайратилла АЛЛАМУРАТОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 243-мактаб жамоаси шу мактабнинг илмий бўлими мудири Гавҳар Зуҳуровага онаси

Шарофат РАПИЕВА

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 243-мактаб жамоаси шу мактабнинг меҳнат фани ўқитувчиси Умида Каримовага отаси

Абдунаби КАРИМОВ

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

"АЛЁР" ЦИКЛОСКАНВОРДИ



1. Бол. 2.Нерв. 3. Лаззат. 4.Йиртқич ҳайвон. 5.Араб эмас. 6.Товуқнинг боласи. 7.Шавқ—... 8.Мангу. 9.Хоним (хориж). 10.Аҳил. 11.Қиш (русча). 12.Қизиқ. 13.Муҳтарам. 14.Сабоқ. 15.Тираж. 16.Анод эмас. 17.Шарҳ. 18.Шароб,май. 19.Мозий, ўтмиш. 20.Гитанинг опаси. 21.Қирдан баланд, тоғдан паст. 22. Номдош. 23.Катар давлати пойтахти. 24.Охир, тугаш. 25.Дунё. 26.Улуғ, катта. 27.Гина. 28.Хрусталга ўхшаш ашё. 29.Йўқ бўлиш. 30 "Оқ"нинг акси. 31.Кутилмаган бахт. 32.Ишонч. 33...Баджо (Италиялик футболчи). 34.Александр. 35.Қушнинг урғочиси. 36. Дедалнинг ўғли. 37.Адолатли. 38.Рус "Жип"и. 39.Коса. 40.Ноёб. 41.Ёзувчи. 42.Эквадор пойтахти. 43.Мўътадил.44.Ичимлик. 45.Мато тури. 46.Интеллектуал меҳнат. 47.Италия футбол клуби. 48. Рамнинг ёри. 49...—қарта. 50. Табиий тола. 51. Худо. 52. Эстрада гуруҳи. 53. Қизғониш. 54. Жорий кун. 55.Осмон. 56.Сопол идиш. 57.Қўшиқ. 58.Эркин Воҳидов достони. 59.Ўйин. 60.Мусиқий ёзув. 61.Оғу. 62.Жуда ҳам. 63.Ноқонуний "совға". 64.Ғалаён. 65.Илож. 66.Саҳар. 67...Лиза (Жоконда) 68.Қалб. 69.Гала. 70.Зарарли ҳашорот. 71.Ички аъзо. 72.Истило. 73.Эна,ача. 74. Қайиқнинг акаси. 75. Юпқа мато. 76.Уй. 77.Тошкент вилоятидаги туман. 78.Гул идиш. 79.Ҳийла. 80.Хат. 81.Хўжайин аёл. 82.Тамом. 83.Холаванча (шева). 84.Шоир ...Ўтар. 85.Шафқат. 86.Нима учун. 87. Пичан. 88.Ҳиндларда хўжайин. 89.Оғирлик ўлчови. 90.Рамазон. 91.Балиқ тури. 92.Тонг. 93.Хоним (инглиз). 94.План. 95...—Кола. 96.Сатира. 97.Оёқ кийим. 98.Боғ. 99.Алининг акаси. 100.Шакар, қанд. 101.Йўл. 102.Тот. 103.Зафар. 104.Қаҳва. 105.Висол. 106.Қурилишда фойдаланиладиган ашё. 107.Битмаган. 108.Қўйнинг боласи. 109.Пул. 110.Ширк. 111.Ният,тилак.

Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-629.

Тиражи 24217 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Аҳмад ОТАБОЕВ, Навбатчи: Фаррух БЎТАЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-

Газета материаллари «Ma'rifat—Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00. Топширилди — 20.00